Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН № 122 (8422). ● 29 июнь, 1984 йил, ● ЖУМА, ● Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БЮРОСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида Сурхондарё область партия комитетининг партия XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленуми қарорлари асосида қишлоқдаги агитация, оммавий ишни ташкил этиш соҳасидаги фаолияти тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Қишлоқ меҳнатчилари ўртасидаги сиёсий агитация қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини бошқаришнинг янги йўлларини қидириш билан узвий равишда боғлаб олиб борилмоқда. Кейинги йилларда областнинг барча колхоз ва совхозларида 3 мингтадан кўпроқ хўжалик ҳисобидаги пудратчи бригада ва звено ташкил этилган. Бу тадбир меҳнат унумдорлигини анча ошириш билан бирга одамларни ишга омилкорлик билан қараш, замонавий иқтисодий фикрлаш, янгиликка интилиш, юксак ахлоқий фазилатлар руҳида тарбиялашнинг таъсирчан воситаси ҳам бўлиб қолди. Коллектив пудратни ривожлантиришни таъминлаш соҳасидаги агитация-оммавий иш бригадаларга ердан, техникадан яхшироқ фойдаланишга ёрдам бермоқда, кўз бўямачиликка, ошириб ёзишга ва бошқа салбий ҳодисаларга қарши курашишга кўмаклашмоқда. Марказий Комитет бюроси қишлоқдаги тарбиявий ишларнинг услуби ва методларини доимо такомиллаштириш, идеология кадрларининг масъулиятини ошириш, маданий-маиший комплексларга кўпроқ таяниш, агитациянинг атеистик йўналишини кучайтириш зарурлигини таъкидлади.

Санъат олий ўқув юртларида кадрлар тайёрлашни янада такомиллаштириш тадбирлари тўғрисида қарор қабул қилинди. Республиканинг бир қанча министрликлари ва идораларига маданият ва санъат муассасаларини 1995 йилгача бўлган даврда ривожлантиришни эътиборга олиб, санъаткор кадрлар тайёрлашга доир комплекс тадбирлар планини амалга ошириш топширилди. Ўқув юртларининг моддий-техникавий базасини янада мустаҳкамлаш, дарс беришни яхшилаш, зарур адабиётларни нашр этиш, ўқув фильмлари яратиш кўзда тутилмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумининг қарорларини бажариш юзасидан биринчи галдаги ташкилий-сиёсий ва пропаганда тадбирлари плани тасдиқланди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюроси хўжалик ва маданий-қурилишга партиявий раҳбарликнинг бошқа баъзи масалаларини кўриб чиқди, шу масалалар юзасидан қарорлар қабул этилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети мажлислари тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

28 июнь куни Тошкентда ўнинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг ўнинчи сессияси очилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари **И. Б. Усмонхўжаев, Р. Ҳ. Абдуллаева, Е. А. Айтмуротов, И. Г. Анисимкин, Ғ. Ҳ. Қодиров, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Н. Ж. Худойбердиев, В. А. Головин, Н. М. Маҳмудова, У. У. Умаров, В. А. Хайдуров**, республика Олий Совети Президиуми ва ҳукуматининг аъзолари ҳукумат ложаларидан жой оладилар.

Мажлисни Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси депутат **Э. Ю. Юсупов** очди.

Сессия қатнашчилари вафот этган депутат Н. Маматқодировнинг хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб, ҳурмат билан эсга олдилар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Мандат комиссиясининг раиси депутат **З. И. Исроилова**га сўз берилади, у Ўзбекистон ССР Олий Советининг тўққизинчи сессиясидан кейин сайланган депутатларнинг ваколатларини текшириш натижаларини маълум қилади.

Олий Совет Мандат комиссиясининг докладини тинглаб: Ўзбекистон ССР Конституциясининг 102-моддасига асосан Ўзбекистон ССР Олий Советига 29-Большевик сайлов округидан сайланган депутат **Т. Ф. Қодировнинг**, 47-Жуков сайлов округидан — депутат **Ш. Р. Мирсаидов**нинг, 143-Кўрғонтепа сайлов округидан депутат **Б. Р. Раҳимов**нинг, 152-Пахтаобод сайлов округидан депутат **С. А. Асриянц**нинг, 182-Ғиждувон сайлов округидан — депутат **Н. Нарзуллаев**нинг, 235-Косон сайлов округидан — депутат **Э. Ғ. Ғафуржонов**нинг, 288-Олмос сайлов округидан — депутат **А. С. Воеков**нинг, 345-Советобод сайлов округидан — депутат **Е. Е. Березиков**нинг, 370-Шўрчи сайлов округидан — депутат **Г. П. Стешенко**нинг, 418-Олтиариқ сайлов округидан — депутат **Ф. Г. Потуремский**нинг, 461-Боғот сайлов округидан — депутат **К. Сапоев**нинг, 492-Қўнғирот сайлов округидан сайланган депутат **К. Нўъмонов (Яшин)**нинг ваколатларини тўғри деб топиш ҳақида бир овоздан қарор қабул қилади.

Сессиянинг қуйидаги кун тартиби якдиллик билан тасдиқланади:

1. КПСС Марказий Комитети 1984 йил апрель Пленумининг «Халқ депутатлари Советлари ишини янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори, ўртоқ К. У. Черненконинг нутқларида баён этилган йўл-йўриқлар ва тавсияларни амалга ошириш юзасидан республика халқ депутатлари Советларининг вазифалари тўғрисида.

2. СССР Олий Советининг «Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг Асосий йўналишлари ҳақида»ги қарорини амалга ошириш тадбирлари тўғрисида.

3. Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Н. Манноповнинг депутатлик бурчларини, Совет ҳамда унинг органлари қарорлари ва топшириқларини қандай бажараётганлиги тўғрисидаги ахбороти.

4. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш тўғрисида.

«КПСС Марказий Комитети 1984 йил апрель Пленумининг «Халқ депутатлари Советлари ишини янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори, ўртоқ К. У. Черненконинг нутқларида баён этилган йўл-йўриқлар ва тавсияларни амалга ошириш юзасидан республика халқ депутатлари Советларининг вазифалари тўғрисида» кун тартибидаги биринчи масала юзасидан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси депутат **О. У. Салимов** доклад қилди.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан музокараларда депутатлардан **К. Р. Рзаев** (484-Манғит сайлов округи), **Г. П. Стешенко** (370-Шўрчи сайлов округи), **Т. А. Алимов** (79-Телов сайлов округи), **М. Узоқова** (255-Сандал сайлов округи), **Ж. Ҳ. Ҳасанов** (158-Булоқбоши сайлов округи), **В. В. Локтева** (10-Шодлик сайлов округи), **Н. Нарзуллаев** (182-Ғиждувон сайлов округи), **Ф. Қўнисов** (330-Чуя сайлов округи), **П. В. Догонкин** (424-Ултарма сайлов округи), **А. Худойқулов** (299-Гагарин сайлов округи), **М. Жуманазаров** (468-Қарамон сайлов округи) сўзга чиқдилар.

Сессия «КПСС Марказий Комитети 1984 йил апрель Пленумининг «Халқ депутатлари Советлари ишини янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори, ўртоқ К. У. Черненконинг нутқларида баён этилган йўл-йўриқлар ва тавсияларни амалга ошириш юзасидан республика халқ депутатлари Советларининг вазифалари тўғрисида» бир овоздан қарор қабул қилади.

«СССР Олий Советининг «Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг Асосий йўналишлари ҳақида»ги қарорини амалга ошириш тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси депутат **Н. Ж. Худойбердиев** доклад қилди.

Доклад юзасидан музокараларда депутатлардан **Э. Исломов** (207-Бахмал сайлов округи), **Г. Раҳимова** (267-Чуст сайлов округи), **Б. Алламуродов** (274-Ўзбекистон сайлов округи), **Н. Валиев** (Октябрь 40 йиллиги номли 412-сайлов округи), **Ш. Н. Ҳусенова** (308-Сиёб сайлов округи), **С. П. Пўлатов** (33-Форобий сайлов округи), **Ж. Кучиев** (390-Комсомол сайлов округи) сўзга чиқдилар.

Олий Совет «СССР Олий Советининг «Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг Асосий йўналишлари ҳақида»ги қарорини амалга ошириш тадбирлари тўғрисида» бир овоздан қарор қабул қилди.

Олий Совет депутатларидан бир группаси Ўзбекистон ССР қишлоқ қурилиши министри Н. Ғ. Қурбонов номига сўров билан мурожаат этди. Бу сўров уй-жойлар, мактаблар, мактабгача тарбия болалар муассасалари ва даволаш муассасалари барпо этиш суръатларининг пастлигига ва улар ўз вақтида фойдаланишга топширилмаётганлигига тааллуқли эди. «Главташкентстрой» бошлиғи Т. Набиев номига ҳам худди шундай сўров берилди. Сессия сўровларни кун тартибига киритди. Н. Ғ. Қурбонов билан Т. Набиев ана шу объектларни барпо этиш топшириқларини бажариш учун қандай чоралар кўрилаётганлигини депутатларга маълум қилдилар. Олий Совет шу масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Депутатларнинг «Союзузбекгазпром» бошлиғи А. Р. Отажоновга Андижон шаҳри ва Андижон областидаги аҳоли пунктлари табиий газ билан етарлича таъминланмаётганлиги тўғрисидаги, Ўзбекистон уй-жой-коммунал хўжалик министри А. М. Илюхинга Андижон шаҳри ва области аҳолиси юқори сифатли ичимлик сув билан яхши таъминланмаётганлиги тўғрисидаги, республика автомобиль транспорти министри А. Ф. Гавриловга Самарқанд областининг Пастдарғом районида жамоат транспорти ишини яхшилаш зарурлиги ҳақидаги сўровлари ҳам кун тартибига киритилди. Сессия сўровлар йўлланган министрликлар ва идораларнинг раҳбарларига кўрилган чора ва тадбирлар тўғрисида бир ҳафта муддат ичида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумига ва депутатларга маълум қилишни топширди.

Олий Совет депутат **Н. Маннопов**нинг ўз депутатлик бурчларини, Совет ва унинг органлари топшириқларини қандай бажараётганлиги тўғрисидаги ахборотини тинглаб, шу масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари депутат **Ғ. Қ. Ҳайдарова** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш тўғрисида доклад қилди.

Сессия қонунлар ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорларни бир овоздан қабул этди.

Шу билан ўнинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг ўнинчи сессияси ўз ишини тамомлади.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ 1984 ЙИЛ АПРЕЛЬ ПЛЕНУМИНИНГ «ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СОВЕТЛАРИ ИШИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ, ЎРТОҚ К. У. ЧЕРНЕНКОнинг НУТҚЛАРИДА БАЁН ЭТИЛГАН ЙЎЛ-ЙЎРИҚЛАР ВА ТАВСИЯЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЮЗАСИДАН РЕСПУБЛИКА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СОВЕТЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси депутат О. У. САЛИМОВ доклади

Депутат ўртоқлар! Мана иккинчи ярим ойдирки, республика халқ депутатлари Советлари КПСС Марказий Комитети 1984 йил апрель Пленумининг, ўн биринчи чақириқ СССР Олий Совети биринчи сессиясининг, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Константин Устинович Черненконинг ёрқин программ нутқларининг ҳал қилувчи таъсири остида иш олиб бормоқда.

КПСС Марказий Комитети Пленуми коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичида Советлар ишини янада яхшилаш программасини, хўжалик ва маданий қурилиш натижаларига Советларнинг таъсирини ўстириш, меҳнаткашларнинг талаб ва эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш, гражданларни социалистик интернационализм руҳида тарбиялашнинг конкрет йўлларини аниқ белгилаб берди. Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилиш тўғрисида ҳам муҳим қарорлар қабул қилди. Апрель Пленуми Советларга ва уларнинг депутатларига дадил, мустақил, масъулият билан ҳаракат қилишни наказ қилди.

Республикамизда Советларнинг сессиялари бўлиб ўтди. Уларда Пленум қўйган вазифалар муҳокама қилинди, бу вазифаларни бажаришнинг комплекс чоралари тасдиқланди. Энди ҳамма гап—белгиланган ана шу вазифаларни тезроқ бажаришда, халқ депутатлари Советларининг иш услуби ва методларини тобора такомиллаштириб боришда, улар ўз имкониятлари ҳамда ваколатларининг самарали бажаришларида колди.

Яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми бўлди. Пленум Марказий Комитет биринчи секретари ўртоқ И. Б. Усмонхўжаевнинг «Партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети 1984 йил февраль ва апрель Пленумларининг қарорлари ҳамда КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ К. У. Черненконинг йўл-йўриқлари асосида партия ва давлат интизомини мустаҳкамлаш, кадрлар билан ишлашни яхшилаш соҳасида республика партия ташкилотининг вазифалари муҳокама қилинди».

Пленум ишида КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Е. К. Лигачев иштирок этди ва нутқ сўзлади. Пленум арафасида КПСС Марказий Комитетининг бир группа масъул ходимлари республикада халқ хўжалик вазифалари қандай бажарилаётганини, республика партия ташкилотининг идеологик ва ташкилотчилик иши аҳволини ҳар томонлама чуқур ўргандилар. Бу эса КПСС Марказий Комитети Ўзбекистон ССРни янада ривожлантиришга, республика партия ташкилотининг жанговар қобилиятини тағин ҳам оширишга доимо эътибор бериб келаётганлигини исботлаб кўрсатди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленуми принципиал танқид ва ўз ўзини танқид руҳида, камчиликларга нисбатан муросасизлик руҳида ўтди, республика партия ташкилотининг ғоявий-сиёсий жиҳатдан етуклигини, у мавжуд камчиликлар ва хатоларни бартараф этишга, салбий ҳолларга қарши курашни кучайтиришга, партия ва давлат интизомини мустаҳкамлашга, иш услубини, кадрларни танлаш ва тарбиялашни яхшилашга қатъий аҳд қилганлигини намойиш этди.

Пленумда айтиб ўтилганидек, республикада партия турмушининг ленинча нормаларидан ва партиявий раҳбарлик принципларидан четга чиқишга йўл қўйилган, жамиятимизга ёт бўлган салбий ҳоллар ва тенденцияларнинг пайдо бўлишига қаттиқ зарба берилмаган. Бир қанча областларда ҳуқуқ-тартиблар ва қонунчилик қўпол суратда бузилган, ҳар хил суиистеъмоллар, қўшиб ёзиш, ахлоқсизлик ҳолларига йўл қўйилган.

Шуни ошкора айтиш керакки, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленумида очиб ташланган жиддий камчилик ва хаталарга халқ депутатлари Советларга ва уларнинг ижроия комитетлари ҳам йўл қўйганлар. Уларнинг кўпчилиги ҳали ҳам партия XXVI съезди талабларига ва КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил февраль ва апрель Пленумлари қўйган вазифаларга мос келадиган даражада иш олиб бораётгани йўқ. Советлар ҳали ўз ҳуқуқларидан ва ваколатларидан тўла фойдаланаётганлари йўқ, экономика ва маданиятни ривожлантиришга етарли таъсир ўтказмаяптилар. Улар фаолиятида кўпинча сўз билан иш ўртасида катта узилиш борлиги сезилмоқда. Конкрет ташкилотчилик ўрнига формализм ва дабдаба кўпроқ устун бўлмоқда.

Иқтисодий ва социал тараққиётнинг асосий соҳаларида Советлар олиб бораётган иши КПСС Марказий Комитети февраль ва апрель Пленумлари қўйган катта вазифалар, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленумининг юксак талаблари асосида қараб чиқишимиз керак.

Партия XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари қарорларини амалга ошириш натижасида Ўзбекистон ССР ўз ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш, халқнинг турмуш даражасини юксалтириш соҳасида жуда катта ютуқларга эришди. Республикада қудратли ишлаб чиқариш ва интеллектуал потенциал яратилди. Буларнинг барчасида КПСС Марказий Комитети ва Совет давлатининг, СССРдаги барча қардош халқларнинг ўр томонлама ёрдами катта роль ўйнамоқда. У кўп йиллардан бери сурункасига Бутунииттифоқ социалистик мусобақасида кўчма Қизил байроқни қўлга киритмоқда.

Шу билан бирга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленумида кўрсатиб ўтилганидек, ишлаб чиқарувчи кучларни жадал ривожлантириш учун иқтисодий имкониятлардан, бой хом ашё ва меҳнат ресурсларидан, қулай табиий иқлим шароитларидан тўла фойдаланилмади. Партия, совет, хўжалик ишидаги жиддий камчиликлар, ижтимоий ҳаётдаги салбий ҳодисалар экономикани интенсив ривожлантириш йўлига ўтказишга тўсиқ бўлди, халқ хўжалигининг бир қанча тармоқлари орқада қолишига олиб келди.

1981—1983 йилларда саноатда ишлаб чиқариш ҳажми ва миллий даромад пландаги 14 процент ўрнига 15,4 процент ўсди, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган «Б» группасида ишлаб чиқариш ҳажми 23,3 процент кўпайди, бу пландагидан анча ортиқдир. 270 минг гектар янги суғориладиган ерлар ишга туширилди, экономиканинг аграр секторини ривожлантириш соҳасида бошқа муҳим тадбирлар амалга оширилдики, бунинг натижасида республиканинг Озиқ-овқат программасини бажаришга қўшаётган ҳиссаси ортиб бормоқда. 303 минг обод квартира қурилди, ижтимоий истеъмол фондлари 18 процент ошди. Меҳнаткашларнинг фаровонлиги ўсди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш олти ойлик топшириқлари ҳам муддатидан илгари бажарилди.

Муваффақиятлар ўз йўлига. Уларни биздан ҳеч ким тортиб ололмайди. Лекин бизда камчилик ва нуқсонлар анчагина тўпланиб қолди.

Ўтган беш йил мобайнида саноат ишлаб чиқаришининг ўсиш суръати бор-йўғи 4,7 процент бўлди. Ҳолбуки, йиллиқ планда бу ўсиш 5,4 процент, Ўзбекистон ССР билан Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун қабул қилинган мажбуриятда эса 6 процент қилиб белгиланган эди. Меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари ҳам паст бўлиб, атиги 2,2 процентни ташкил қилди. 204 та корхона планнинг шу кўрсаткичини бажармади. Бундай аҳвол давлат планининг тақдири учун асосли ташвиш туғдирмоқда.

Советлар ишлаб чиқаришни ташкил этишга ўз таъсирини кучайтиришлари, ҳар бир область ва умуман Ўзбекистон ССР саноат ишлаб чиқаришининг самарадорлиги бўйича тезроқ Умумиттифоқ даражасига чиқиб олиши учун ҳамма ишларни қилишлари керак.

Биринчи галда, ишлаб чиқариш қувватларидан янада тўлароқ фойдаланиш ҳақида ўйлаш керак. Бу гап, айниқса, оғир саноатга қарашли кўпгина корхоналарга, шунингдек Енгил, Озиқ-овқат, Мебель саноати, Мева-сабзавот хўжалиги, Бинокорлик материаллари саноати министрликларига тегишлидир. Ҳозир цемент ишлаб чиқаришда қувватларнинг 85 процентидан, деворбоп материаллар ишлаб чиқариш қувватларининг 70 процентидан фойдаланилмоқда. Бу соҳада министрликлар, идоралар ва Советлар нималарга эътибор беришлари керак? Улар ўз куч-ғайратларини интизомни мустаҳкамлашга, кадрлар қўнимсизлигини тугатишга, иккинчи смена бўлмаган жойда шундай сменалар ташкил қилиб, уларнинг тўла қувват билан ишлашини уюштиришга сарфлашлари керак.

Маълумки, маҳсулот етказиб бериш интизомига қатъий амал қилиш халқ хўжалигида жуда катта роль ўйнайди. Шартнома мажбуриятларини бузиш меҳнат коллективларини издан чиқаради, маҳсулот сифатига, коллективдаги руҳитга салбий таъсир кўрсатади. Республика бўйича беш ой мобайнида маҳсулот етказиб бериш планини 236 корхона бажармади. Бунда Ангрендаги «Резинотехника» заводи (директори И. Н. Искандаров), Фарғонадаги химиявий толалар заводи (директори Э. А. Азизов), Тошкент тўқимачилик комбинати (директори О. С. Соқиев) ва экскаватор заводи (директори А. М. Маҳмудов) ҳаммадан орқада қолдилар. Маҳсулот етказиб бериш планларини бажармаслик минглаб меҳнат коллективларини издан чиқаради. Советларнинг ижроия комитетлари, корхоналар қайси идорага бўйсунишидан қатъи назар, шу корхоналарнинг фаолиятини контрол қилиш сохасидаги ўз ҳуқуқларидан тўлароқ фойдаланишлари керак. Шартнома мажбуриятларини бажариш учун улар раҳбарларининг жавобгарлигини оширишлари керак.

Советларнинг муҳим иши халқ истеъмол қиладиган товарлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, хилларини кенгайтириш ва сифатини яхшилашдан иборатдир. Бу соҳада кўп иш қилинмоқда. Масалан, «Б» группаси маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўстириш суръатлари пландагидан илдам бормоқда. Буларнинг ҳаммаси дефицитни камайтириш имконини бермоқда. Лекин кўпгина товарлар ҳали ҳам етишмайди. Аҳолининг кундалик талабларини қондириш учун кўплаб маҳсулотларни узоқдан келтиришга мажбур бўлмоқдамиз. Ҳолбуки, шу маҳсулотларни ҳеч қийинчиликсиз ўзимизда ишлаб чиқарса бўлади. Ҳозир республикадаги 300 дан ортиқ корхона истеъмол товарлари ишлаб чиқармаяпти. Шу сабабли иш ҳақи фондининг ҳар бир сўмига тўғри келадиган истеъмол товарлари бўйича Ўзбекистон бошқа республикалар орасида ўн иккинчи ўринда туради.

Бугунги кунда чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини яхшилаш, халқнинг талабини чуқур ўрганиш масаласи, айниқса, кескин бўлиб турибди. Сифатнинг етарли даражада контроль қилинмаслиги салбий натижага олиб келмоқда. Кийимлар, пойабзалларга бўлган талаб-эҳтиёж тўла қондирилмаётган бир пайтда кўпгина товарлар ўтмай қолиб, уларнинг запаслари камаймаётир. Бу нарса миллионлаб сўм зарар етказмоқда. Константин Устинович Черненко ўтмас товарларни ҳақли суратда кераксиз товарлар деб атади. Савдода бир неча юзлаб миллион сўмлик ана шундай товарлар тўпланиб қолди: сифатсиз Хива гиламлари, хилма-хил ҳонатласлар, Гулистон ва Наманган тикувчилик фабрикаларининг буюмлари. Тошкентнинг моделли пойабзали шулар жумласидандир. Самарқанднинг «Снежинка» холодильнигини аллақачон

(Давоми иккинчи бетда).

ҲАР БИР ИШ ЖОЙИДА УЮШҚОҚЛИКНИ ОШИРАЙЛИК, ИНТИЗОИНИ МУСТАҲКАМЛАЙЛИК!

БУГУН ОБЛАСТИМИЗДА УТАДИГАН НАВБАТДАГИ ЯГОНА СИЕСИЙ КУН АНА ШУ МАВЗУГА БАҒИШЛАНАДИ

Шу кунларда Советлар мамлакатининг меҳнаткашлари беш йиллик тўртинчи йилининг биринчи ярим йилидаги ўз яратувчилик ишларининг якунини чиқармоқдалар. Дастлабки якунлардан кўриниб турибдики, ярим йиллик план муваффақиятли бажарилмоқда. Партия ва халқ КПСС XXVI съезди, партия Марказий Комитетининг 1983 йил декабрь, 1984 йил февраль ва апрель Пленумлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ К. У. Черненко нутқларида олдинга қўйилган вазифаларни шараф билан бажариш учун қатъий азму-қарор қилганлар.

Бу масалалар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида тўла партиявий принципиаллик билан кўриб чиқилди. Пленумда партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети 1984 йил февраль ва апрель Пленумларининг қарорлари ҳамда ўртоқ К. У. Черненконинг йўл-йўриқлари асосида партия ва давлат интизомини мустаҳкамлаш, кадрлар билан ишлашни яхшилаш соҳасида республика партия ташкилотининг вазифалари муҳокама қилинди.

Республикамиз, шу жумладан Тошкент области меҳнаткашлари ҳам юксак гражданлик бурчини ана шу тарзда тушунаётганликларини намойиш этмоқдалар. Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг шонли 60 йиллигини кутиб олаётган халқимиз хўжаликнинг барча тармоқларида фидокорона ишламоқдалар, социалистик мусобақани ривожлантирмоқдалар, уюшқоқликни ошириб, интизом ва тартибни мустаҳкамламоқдалар.

Шонли пахтакорларимиз ҳар қачонгидек зарбдорларча меҳнат қилмоқдалар. Улар Ватанга 6 миллион тонна «оқ олтин» беришдек ўзларининг интернационал бурчларини чуқур ҳис қилмоқдалар. Пойтахт области пахта усталари Тошкент технологиясини такомиллаштира бориб, ғўзани сифатли парвариш қилмоқдалар, қишлоқ хўжалик техникаси тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилмоқдалар. Чорвачилик жадал ривожланиб бормоқда. Шу йилнинг беш ойи ичида моллар туёғи ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2517 бошга кўпайди.

Зарбдор меҳнат натижасида иқтисодий имкониятлар йил сайин ортиб бормоқда, янги ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилмоқда, маҳсулотлар сифати яхшиланмоқда. Юбилей йилининг беш ойи ичида пойтахт области саноати маҳсулот реализацияси планини 101,5 процент, ялпи маҳсулот тайёрлаш планини 101,7 процент ва меҳнат унумдорлигини ошириш планини 101,8 процент қилиб бажарди. Планга қўшимча 41,8 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди.

Ҳозирги вақтда ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш бўйича социалистик мусобақанинг олдинги сафларида В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Тошкент трактор заводи» бирлашмаси, «Миконд», Чирчиқ трансформатор заводи, Янгийўлдаги «Лаззат» қандолат бирлашмаси, Бекобод цемент комбинати ва бошқа ўнлаб корхоналарнинг коллективлари бормоқдалар. Кўпгина корхоналар Балтика кемасозларининг беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш ташаббусини қўллаб-қувватладилар. Минг-минглаб ишлаб чиқариш ишгорларининг новаторларча меҳнати туфайли қувончли натижалар қўлга киритилди. Ҳозирги вақтда областнинг 5 мингдан ортиқ меҳнаткаши чинакам меҳнат қаҳрамонлиги намуналарини кўрсатиб, ўн биринчи беш йиллик планларини бажарди. Меҳнат зарбдорларидан 40 нафари, энг яхшиларнинг яхшилари «1983 йилги Тошкент области мукофоти лауреати» фахрий унвонига сазовор бўлди.

Бироқ саноат ишидаги камчилик ва резервлардан кўз юмиш мумкин эмас. Ҳали ҳам кўпгина корхоналар маҳсулот ишлаб чиқариш планини, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш планларини бажармаяптилар, ишлаб чиқаришга янги техника ва илғор технологияни жорий этиш юзасидан жиддий иш олиб бормаяптилар.

Капитал қурилишда буюртмачилар ва лойиҳачиларнинг ишларида жиддий нуқсонлар мавжуд.

Давлат, технология, ижрочилик, меҳнат интизоминнинг бузилиш ҳолларига, иш вақтининг беҳуда сарф бўлишига қатъий чек қўйилиши керак. Турли сабаблар билан ҳозирги вақтда йилига 10 минглаб киши куни йўқотилаётганлигига тоқат қилиб бўлмайди.

Ҳозирги ишлаб чиқариш миқёслари шароитида меҳнат интизоми бузилиши жамиятга қимматга тушади. Биргина Тошкент областида кунига ўрта ҳисобда 29,6 миллион сўмлик саноат маҳсулоти тайёрланаётир. Область корхоналари бир кун ичида 75 та культиватор, 6 та экскаватор, 103 та трактор, 41 та пахта териш машинаси, 55 минг жуфт пойабзал, 479 минг сўмлик мебель, 14,6 минг квадрат метр гилам ва ҳар хил пойандозлар ҳамда бошқа кўпгина турли маҳсулотлар ишлаб чиқармоқдалар.

Мана шунинг учун ҳам партия коммунистларни, меҳнаткашларни ишлаб чиқаришнинг ҳар бир участкасида иш вақтидан оқилона, рационал фойдаланишга даъват этмоқда. Бу ерда катталигина резервлар бор. Айрим корхоналарда сменалар ичидаги бекор туриш қоллари смена вақтининг 10—15 процентини ташкил этмоқда. Бу вақтнинг 30 процентга яқини бевосита ижрочилар меҳнат интизомини бузиши туфайли (ходимларнинг айби билан), 70 проценти эса ташкилий сабаблар билан йўқотилмоқда.

Интизом ва уюшқоқликнинг кучайтирилиши меҳнат коллективи идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни такомиллаштириш борасида олиб бораётган фаолият билан яқиндан боғланган. Коллективнинг ҳам ишлаб чиқариш, ҳам тарбиявий фаолияти доимо такомиллаштириб борилишида бу фаолият хилма-хил ва самарали бўлишига эришиш лозим.

Интизомлилик, уюшқоқлик, йиғинчоқлик совет кишисининг муҳим ҳислатлари сифатида болаликдан тарбиялаб борилади. Бинобарин, меҳнат коллективлари, хусусан йирик ишчи корхоналари, колхоз ва совхозларнинг мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари билан самарали алоқаларини мунтазам таъминлаб туриш муҳимдир. КПСС Марказий Комитетининг апрель (1984 йил) Пленуми, ўн биринчи чақириқ СССР Олий Совети биринчи сессияси маъқуллаган «Умумий таълим ва ҳунар-техника мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари»да бу масалага алоҳида эътибор берилган.

КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь ва декабрь, 1984 йил февраль ва апрель Пленумлари, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг меҳнат интизомини мустаҳкамлаш масалаларига оид қарорлари, СССРнинг меҳнат коллективлари тўғрисидаги қонуни, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорининг ижтимоий-сиёсий аҳамияти ниҳоятда каттадир. Улар ташкилотчилик, ғоявий-тарбиявий ишнинг ҳамма соҳаларини чуқур қамраб олди, ривожланган социализмни такомиллаштириш йўлида бир қатор комплекс проблемаларни ҳал этиш йўллари ва усулларини белгилаб, интизом, уюшқоқлик, тартибни ҳамма жойда мустаҳкамлаш масалаларини кўрсатиб берди. Партиянинг бутун фаолияти кундалик меҳнат интизомини мустаҳкамлаш юзасидан ленинча кўрсатмаларни бажаришга қаратилгандир.

Социалистик интизом ва уюшқоқлик — бу, аввало ҳар бир совет кишисининг ўз иш жойида фидокорона, ижодий, юксак унум билан ишлаши, беш йиллик планларини бажариш ва ошириб бажариш, Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олишга қаратилган зарбдор меҳнатидан иборат

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ X СЕССИЯСИ

Депутат О. У. САЛИМОВ доклади

(Боши биринчи бетда).

ҳеч ким олмай қўйган бўлса-да, 10 мингта ана шундай холодильникка заявка берилган, планда эса 85 мингта ишлаб чиқариш мўлжалланган. Ишчиларнинг бекор кетган меҳнати-ю, шу товарларни ишлаб чиқаришга сарф бўлган халқ пуллари учун ким жавоб беради? Мана шу яроқсиз товарларни яратган корхоналарнинг раҳбарларига: сизнинг бўшашувчанлигингиз давлатга жуда қимматга тушяпти, дейишга мажбурмиз.

Биз колхоз ва совхозларда ёрдамчи касблар ташкил этиш йўли билан халқ истеъмол қиладиган товарлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун катта имкониятларга эгамиз. Ҳозир ҳар бир хўжалик мева, сабзавот, узумни қайта ишлайдиган, металлар, полимер плёнкасидан, маҳаллий ресурслардан рўзғорбоп буюмлар тайёрлайдиган, пишиқ ғишт, бошқа қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган цехларга эга бўлиши керак, область ижроия комитетлари ана шундай касбкорлик билан шуғулланмаётган барча хўжаликларни ҳисобга олиб, ҳамма жойда маҳсулотни қайта ишловчи энг оддий корхоналарни вужудга келтиришни бутун чоралар билан тезлаштиришлари керак. Сабзавот ва меваларни ўз вақтида қайта ишлаш, уларни омборларда сақлаш имкониятлари кам бўлганлиги сабабли республикамизда ҳар йили юз минг тонналаб сабзавот ва мева нобуд бўлаётганлигига чидаш мумкинми, ахир! Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бундай ачинарли ҳолга чек қўйишни бир неча бор кўрсатиб ўтган эди, лекин иш ҳали ўрнидан қўзғалгани йўқ. Советлар мана шу масалаларни ҳал қилишда партиянинг директив йўл-йўриқларини секин бажармоқдалар, ташаббус кўрсатган ҳолда аниқ мақсадни кўзлаб ишламаётирлар.

Халқ хўжалигининг ўсиш суръатлари кўп жиҳатдан капитал қурилишдаги ишларнинг аҳволига боғлиқ. Бу соҳадаги қолоқлик эса борган сари қаттиқроқ сезилмоқда. Беш ой мобайнида йиллик планга қараганда фойдаланишга топширилган асосий фондлар 16 процентни, уй-жойлар эса 22 процентни ташкил қилди. Тугалланмаган қурилишлар ҳажми камаймаяпти. Бригада ва участкаларда хўжалик ҳисоби ҳаддан ташқари секин жорий этилмоқда. Маҳаллий Советлар эътиборсизлиги сабабли планга киритмаган қурилишлар сони кўпайиб бормоқда.

Масалан, Бухоро областининг Ғиждувон районида планда кўзда тутилмаган ипподром ва район марказида «Коммунизм» колхозининг бригада уйи ниқоби остида колхоз бозори барпо этилган ва шу колхоз маблағи ҳисобидан район ички ишлар бўлимининг биноси қурилган. «СССР 60 йиллиги» колхозининг маблағи ҳисобидан район ҳарбий комиссариатининг биноси, матлубот кооперациясининг ҳисобидан эса район дачасида сузиш бассейни қурилган. Советлар, давлат банки ва қурилиш банки шундай фактларни аниқлашлари, прокуратура эса айбдорларни жавобгарликка тортиши керак.

Беш йиллик мобайнида деярли 1 миллион квадрат метр уй-жой кам қурилди. Агар қурилиш ташкилотларининг ва маҳаллий Советларнинг раҳбарлари энг муҳим вазифа бўлган давлат планини бажариш бурчига виждонан қараганларида эди, юз минглаб кишилар ўз турмуш шароитларини яхшилаб олган бўлар эди. Қурилишнинг сифати қониқарсиздир. Сизларни яқиндагина келган битта коллектив шикояти билан таништиримоқчиман. Қишлоқ қурилиш министрлиги «Спутник» массивида иккита кўп квартирали уй қурган, Сергели район ижроия комитети эса иссиқ ва совуқ сув билан таъминланмаган бу уйларни қабул қилиб олиб, одамларга тақсимлаб берган. Одамлар бу уйларда уч йилдан бери қийналишмоқда-ку, лекин бюртмачи ҳам, район ижроия комитети ва унинг раиси Х. Ё. Охунжонов ҳам бунга парво қилмаяптилар. Уларда талабчанлик ва принципиаллик бўлмаяпти. Халқ депутатлари Советлари капитал қурилишга раҳбарликни кучайтиришлари керак. Қурилиш ташкилотларининг раҳбарларига нисбатан планларнинг бажарилиши учун талабчанликни ошириш, уй-жойлар, мактаблар, касалхоналар, болалар муассасаларини ўз вақтида фойдаланишга топиришга алоҳида эътибор бериш зарур. Уйларни чала-чулпа топиришга қарши қаттиқ қураш эълон қилиш керак. Ҳамма объектлар узил-кесил қуриб битказилгандан кейин топшириладиган бўлишига эришиш керак.

Мана учинчи йил кетяптики, Озиқ-овқат программаси изчил амалга оширилмоқда. Экономиканинг агросаноат сектори программани бажаришга, пахта, дон, сабзавот, мева, узум, гўшт, сут, тухум етиштиришни кўпайтиришга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Лекин қишлоқ хўжалигида яратилган қудратли ишлаб чиқариш потенциалидан ҳали мутлақо тўла фойдаланилаётгани йўқ. Кўпгина хўжаликлар, районлар ва областлар пахта, дон, чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш планларини бажармаяптилар. Суғориладиган ерлардан, техникадан, айниқса, пахта териш техникасидан фойдаланиш самарадорлиги ошмаяпти. Бу эса Советлар ва уларнинг органлари ишидаги катта камчиликдир. Денов, Норин, Янгиқўрғон районлари уч йил мобайнида пахта тайёрлаш планини бирон марта ҳам бажармаганликларини нима билан изоҳлаш мумкин?! Бунга сабаб ижрокомлар ва хўжалик раҳбарларининг ўта масъулиятсизлигидир. Хўш, ана шу районлар ижроия комитетларининг раислари У. Қодиров, Р. Худойбердиев, Х. Умрзоқов бу аҳволдан қайси йўл билан қутилмоқчилар?

Чорвачиликни ривожлантиришда жиддий камчиликлар бор. Бу йил чорвачилик маҳсулотлари харид қилиш ҳажми ўтган йилги даражадан орқада қолмоқда. Чорва молларнинг ҳамма турлари, айниқса, сигирлар секинлик билан кўпаймоқда, қўйлар сони эса ҳатто камайиб кетди. Ем-хашак тайёрлаш суръатлари жуда паст.

Маҳаллий Советлар озуқа базасини мустаҳкамлаш учун етарли даражада амалий чоралар кўрмаяптилар. Алмашлаб экишни ўзлаштириш тугалланмаган. Ем-хашаклар умуман олганда етишмай турган бир пайтда, баъзи жойларда озуқа экинлари кам экилмоқда. Ўтган йили Қорақалпоғистон АССРда беда экиш плани 47 процент, Сурхондарё областида — 80, Хоразм областида — 83, Наманган областида — 87 процент қилиб бажарилди. Умуман республика бўйича план дагидан 135 минг гектарга яқин ерга озуқа экинлари кам экилган.

Бозордан чорва моллар сотиб олиб, уларни боқиб семиртирмай, давлатга сотиш практикаси хўжаликлар экономикасига катта зарар келтирмоқда. Колхоз ва совхозлар давлат магазинларидан сариёғ сотиб олиб, уни сут ўрнида топширишдек ярамас практикага ўтиб олмоқдалар. Ўтган беш ой мобайнида Наманган области хўжаликлари 137 тонна сариёғ топширдилар. Бу миқдор тайёрланган ҳамма сутнинг 14 процентини ташкил этади. Самарқанд области — 150 тонна ёки 9 процент миқдорида, Сурхондарё области — 145 тонна ёки 16 процент миқдорида сариёғ топширган. Бундай камчиликларнинг асосий сабаби шуки, кўпгина маҳаллий Советлар чорвачиликка юзаки раҳбарлик қиляптилар, улар хўжаликлардаги ишларнинг аҳволини чуқур таҳлил қилмаяптилар, ҳар бир ферма ва ем-хашак тайёрловчи звенода тартиб ўрнатиш учун зарур чоралар кўрмаяптилар. Советлар чорвачиликдаги ишларнинг аҳволига бевосита жавоб бераднган бўлишлари керак.

Чорвачиликни ривожлантириш масалалари камдан-кам муҳокама қилинаётир, деб бўлмайди. Лекин ҳамма гап шундаки, Советлар ва уларнинг ижроия комитетлари қабул қилаётган қарорлар шу тармоқдаги аҳволга зарур таъсир кўрсатмаётир. Чорвачиликни ривожлантириш масалаларини, айниқса, ем-хашак базасини мустаҳкамлаш, унумсиз харажатларни камайтириш, наслчилик ва зооветеринария ишини яхшилаш проблемаларини ҳал қилишда район агросаноат бирлашмаларининг ролини ошириш зарур. Маҳаллий Советлар чорвачиликни юксалтириш ҳақида илгари қабул қилинган ҳамма қарорларни сўзсиз амалга ошириш ишларини кучайтирмоқлари керак.

Пахта республиканинг халқ хўжалигида алоҳида ўрин тутади. Пахта етиштиришни янада кўпайтириш, шу билан бирга толасининг сифатини яхшилаш ҳам бизнинг Умумиттифоқ меҳнат тақсимотидаги интернационал бурчимиздир. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган пленуми кўрсатганидек, пахта тайёрлаш мажбуриятларини бажаришдан четда туришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Беш йилликнинг ўтган йилларида қарздор бўлиб қолганлар қарзларидан кутулиш учун ҳамма чораларни кўришлари керак. Қишлоқда ишлайдиган ҳар бир депутат, ҳар бир район ва область Совети пахтачиликдаги аҳвол яхши эмаслигини тушуниши керак. Миқдор ва сифат кўрсаткичларини ўстирмайдиган сохта «рекордлар»нинг ҳеч кимга кераги йўқ. Пахтачиликда ва пахта тозалаш саноатида ишлаётган, бу тармоқларга раҳбарлик қилаётган ҳамма кишилар шу соҳадаги иш аҳволини иложи борича тезроқ тузатишга интилишлари керак. Бу гап, айниқса, пахта тозалаш саноати министри В. У. Усмоновга таалуқлидир. Пахта етиштириш, тайёрлаш ва уни қайта ишлаш маҳаллий Советларнинг доимий контролида бўлиши керак. Ҳозир бундан ҳам муҳимроқ иш йўқ. Бу йил республикамиз тайёрлайдиган 6 миллион тонналик пахтанинг бирор тоннаси ҳам сохта бўлиши мумкин эмас. Давлат билан ҳалол ҳисоб-китоб қилиш, юқори навли маҳсулот топшириш керак.

Ишлаб чиқаришни интенсивлаш хўжалик фаолиятининг марказига айланаётган ҳозирги шароитда халқ депутатлари Советлари самарадорликнинг ошишига таъсир кўрсатувчи факторларга алоҳида эътибор беришлари зарур. Улар фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий қилиш билан каттиқ шуғулланишлари, иқтисод ва тежамкорлик режимини мустаҳкамлашлари керак. Афсуски, бу борада ҳали Советлар фаолиятида конкрет, кенг кўламли иш олиб борилмаётир, мавжуд резервларнинг ҳаммаси аниқ ҳисобга олинмаётир.

Маълумки, меҳнаткашлар коллективлари бу йил меҳнат унумдорлигини пландан ташқари 1 процент ошириш ва маҳсулот таннархини 0,5 процент камайтириш мажбуриятини олдилар. Бунинг учун жойларда тегишли тадбирлар тасдиқланди. Лекин министрликлар ва идоралар, шунингдек Советлар бунинг бажарилишини ташкил қила олмадилар. Беш ой мобайнида республика саноати планда белгиланган меҳнат унумдорлиги ва таннархи даражасига ҳам чиқа олмади. Бу жиҳатдан Гўшт-сут саноати министрлиги системасидаги ишларнинг аҳволи эътиборни ўзига алоҳида тортади. Министрликка қарашли корхоналарда меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ишлари бажарилмаяпти. Бу тасодифий эмас, албатта. Тўрт йил мобайнида тармоқда жўл меҳнатининг салмоғи қисқариши у ёқда турсин, балки, аксинча 47 процентдан 56 процентга етди. Ўртоқ И. Р. Мамажонов янги раҳбарлардан эмас. Бироқ у нима учун бунчалик паст кўрсаткичга хотиржам қараб турибди? Наманган область Совети ижроия комитети ҳам области корхоналарида уч йил ичида жўл меҳнатининг салмоғи икки баравар ошиб кетганлигига бефарқ қарамоқда. Буларнинг ҳаммаси Наманган область ижроия комитети раиси М. О. Обидшоевнинг йўл қўйиб бериши оқибатида қилинмоқда.

Маҳаллий Советлар энергия ва ресурсларни тежашсиёсатини амалга оширишда етарли даражада активлик кўрсатмаётирлар. Беш ой мобайнида металл, цемент, иссиқлик, электр энергияси, мотор ёнилгиси пландагидан кўра кам тежалди. Қашқадарё, Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Наманган, Сирдарё область Советлари корхоналар ва ташкилотлар материаллар ҳамда энергетика ресурсларини тежаш тадбирларини қандай бажараётганликларини ёмон контрол қилмоқдалар. Бажарилмаган ишларни бажарилди, деб кўшиб ёзиш кенг ёйилган. Ўтган йили ва шу йилнинг биринчи кварталида «Главсредазирсовхозстрой»га қарашли олтита автомобиль корхонасида 1,26 миллион тонна-километр кўшиб ёзилганлиги аниқланди. Бунинг устига автомобилларнинг 40 процентида спидометр-лар бузуқ бўлган. Республика Автомобиль транспорти, Қишлоқ хўжалиги, Мелиорация ва сув хўжалиги министрликлари учун ҳам шундай аҳвол хос бўлиб, уларда ҳам масъулият сусайтирилган ва автомобиль транспортидан фойдаланишда тегишли тартиб йўқ. Бу тасодифий ҳолми? Йўқ, албатта, Бу талон-торож қилиш йўлидир. Бошқарма ва унинг раҳбарлари ишида тартиб йўқ, уларда масъулиятни ҳис этиш ўтмаслашиб қолган.

Қуйидаги фактларга ҳам Советлар жиддий эътибор беришлари керак. Кейинги беш йил мобайнида гражданларнинг шахсий автомобиллари сони 87 процент кўпайди, бензин сотиш эса бор-йўғи 26 процент ошди. Бу нимани билдиради? Аввало, шуни билдирадики, кўпгина машина эгалари давлат автомобиль транспорти ҳайдовчиларидан сотиб олинган бензиндан фойдаланмоқдалар. Нефть маҳсулотларини тўғри сарфлаш устидан жуда қаттиқ контрол ўрнатиш, нобудгарчиликнинг барча манбаларини, ҳаром йўл билан пул топишнинг барча манбаларини ёпиб ташлаш зарур.

Иқтисод ва тежамкорлик режимини мустаҳкамлаш иккиламчи хом ашё ресурсларидан, иккиламчи иссиқликдан, ишга яроқли чиқиндилардан фойдаланиш билан қатъийроқ шуғулланишни талаб қилмоқда. Бу соҳада Советлар ҳали яхши иш кўрсатганлари йўқ.

Ишлаб чиқаришнинг техникавий даражасини ошириш масалалари министрликлар, корхоналар, халқ депутатлари Советлари ишида тобора катта ўрин тутиши керак. Беш йилликнинг уч йили ичида янги техника ва технологияни жорий этиш планларини бажариш республика халқ хўжалигига жами 247 миллион сўмлик иқтисодий самара берди. Аммо янги техникани жорий этиш планлари бажарилмай қолди. Кўпинча министрлик ёки идора янги техникани жорий қилиш планини 100 процент бажаради, бунинг учун кўп пул ҳам сарфлайди. Лекин керакли иқтисодий самара олинмайди. Шу тарика, кўплаб миқдордаги маблағ ва моддий ресурслар бекордан бекорга сарфлаб юборилади. Советлар, доимий комиссиялар, депутатлар группалари конструкторлик бюроларининг ва илмий-тадқиқот институтларининг иши билан чуқурроқ қизиқсалар, яхши бўлар эди. Афтидан, корхоналар ва ташкилотларнинг фаолиятига баҳо берганда, фан ва техника ютуқларини жорий этиш туфайли ишлаб чиқариш сир самарадорлиги қанчалик ошганлигини ҳисобга олиш зарур. Ҳозирча республика бўйича биз бунинг ҳисобига иҳтимоий ишлаб чиқариш ўсишининг бор-йўғи 10 процентига эришмоқдамиз.

Яна бир масала устида тўхталиб ўтмоқчиман. Республика аҳолиси тез ўсаётганлиги ва меҳнат ресурслари ҳар йили 300 минг кишига кўпаяётганлиги муносабати билан халқ депутатлари Советлари олдида катта социал аҳамиятга молик проблема турибди. Бизда меҳнатга лаёқатли бўлиб, уй-рўзғор ишларида ва шахсий ёрдамчи хўжаликда банд бўлган кишилар салмоғи йилдан йилга ошиб бормоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ 800 минг кишининг меҳнатидан фойдаланиб, экономиканинг турли тармоқларида катта фойда олиш мумкин эди. Лекин меҳнат ресурсларининг ҳаддан ташқари юксак даражада бўлиши меҳнат унумдорлигининг объектив тарзда ўсишига йўл қўймаётир. Бундан қутулишнинг бирдан-бир йўли мавжуд қувватлардан янада тўлароқ фойдаланиш, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш суръатларини оширишдан иборатдир.

Лекин республикада смена билан ишлаш коэффициенти йил сайин камайиб бормоқда. Масалан, ип йигиришда қувватлардан фойдаланиш даражаси 74 процентни, тўқимачиликда эса 69 процентни ташкил этади. Ҳолбуки, мавжуд қувватларда қўшимча маблағ сарфламаган ҳолда ўн минглаб кишиларни ишлатиш, юз миллионлаб сўмлик маҳсулот чиқариш мумкин.

Беш йилликнинг уч йили ичида кичик шаҳарлар, посёлкалар ва район марказларида 156 та корхона, филиал ва цех қурилди. Уларда 36 мингдан кўпроқ киши ишламоқда. Бу ишда Фарғона водийсининг маҳаллий Советлари ижобий тажриба тўплаганлар. Тармоқ министрликлари, Сурхондарё ва Хоразм областларидаги ҳамда Қорақалпоғистон АССРдаги Советлар эса халқ хўжалик ҳамиятига эга бу муҳим социал проблемага яхши муносабатда бўлмаяптилар. Улар меҳнат ресурслари кўп бўлган жойларда саноатнинг барпо этилиши ва карор топишига бутун чоралар билан ёрдам беришлари керак.

Ўзбекистоннинг бой меҳнат ресурслари имкони борича тўла-тўкис ишга солиниши учун республика йигит ва қизларини мамлакатнинг энг катта заводларига ва янги қурилишларига аниқ мақсадни кўзлаб юборишдан кенгроқ фойдаланиш зарур.

КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленуми маҳаллий Советлар зиммасига жойларда экономикани комплекс ривожлантиришни таъминлаш, меҳнакамчиликка мустаҳкам тўсиқ қўйиш мажбуриятини юклади. Ўз фаолиятларини фақат ишлаб чиқариш объектлари қуриш ва уларни реконструкция қилишга қаратиб, уй-жойлар, социал-маданий ва маиший объектларни атайлаб «унутиб қўяётган» министрликлар ва идораларни тўғри йўлга солиб туриш керак.

Комплекслик бузилаётганлиги туфайли биз кўп нарсани йўқотмоқдамиз. Социал эҳтиёжларни қондиришда қийинчиликлар туғилмоқда, натижада эса корхоналарда кадрлар етишмаслиги доимий тус олмоқда. Сирдарё ГРЭСи қурувчилари ва ундан фойдаланувчилар шаҳри бўлган Ширинда энергетика қувватлари графикдан ўзиб фойдаланишга топширилгани ҳолда, гражданлар объектлари эса икки баравар секин қурилди. Мирзачўл, Жиззах, Қарши даштларида янги қўриқ совхозларни комплекс қурмаслик билан боғлиқ бўлган тартибсизлик учун меҳнаткашлар Советларнинг, «Главсредазирсовхозстрой» ва унинг жойлардаги органлари раҳбарларининг олдига катта даъволар қўймоқдалар. Бу совхозларда одамларнинг нормал ҳаёт кечириши учун зарур шароит йўқ. Лекин ўзлаштирилган ерларни талон-торож қилиш, уларни пиёз, ерёнғоқ, полиз экинлари етиштириш билан осон бойлик орттириш кетига тушган кишиларга ижарага бериш авжида. Меҳнаткашлар ўз болаларини қаерда ўқитишлари керак, қаерда даволанишлари, дам олишлари керак? Қўриқ ерларни ўзлаштиришда комплекслиги бузиш давлатга жуда ҳам қимматга тушмоқда. Бунинг учун «Главсредазирсовхозстрой» ва халқ депутатлари Жиззах, Қашқадарё-Сирдарё область Советлари ижрокомларининг раҳбарлари ҳам айбдордирлар.

Халқ депутатлари Советлари ўз территорияларининг комплекс ривожланишини планлаштиришга қолмасдан, балки ишлаб чиқариш қувватларини оширишга ҳаракат қилиб, уларни узоқ йиллар давомида ишлатувчи одамлар эҳтиёжи ва ташвишлари билан қизиқмаётган министрликлар ҳамда идоралар олдида бу планларни ҳимоя қила олишлари ҳам керак. Ҳар бир янги корхона йўл қуришдан, турар жой бинолари, инженерлик тармоқлари ва мактаблар қуришдан бошланадиган бўлиши зарур.

Халқ депутатлари Советлари ўзларининг кундалик фаолиятида умумий транспорт, савдо, маиший хизмат, коммунал хўжалик корхоналари, халқ маорифи, соғлиқни сақлаш, социал таъминот муассасалари, маданият ўчоқлари аниқ ишлаб, меҳнаткашларнинг талаб эҳтиёжларини қондиришга кўпроқ эътибор беришлари керак. Бунинг учун кўп куч сарфланди, кўп иш қилинди. Лекин камчиликлар ҳам оз эмас.

Ўзбекистон ССР Уй-жой коммунал хўжалиги министрлиги (министр А. М. Илюхин) ва маҳаллий Советлар уй-жой фондидан фойдаланиш билан қониқарсиз шуғулланмоқдалар, етилган масалаларни йиллар давомида ҳал қилмаяптилар. «Узремстройтрест» ишида жиддий камчиликлар бор, бу ерда талон-торож қилиш ва ўғирлик кўп. Ремонт ишларининг нархи кўпинча ошириб кўрсатилади, квартираларни ремонт қилиш учун мўлжалланган материаллар четга сотиб юборилади. Уй-жойлардан фойдаланиш конторларининг иши устидан кундалик назорат сусайтирилган, ана шу конторалларда одамларга нисбатан кўпол, бефарқ муносабатда бўлишаётганлигини кўрсатувчи фактлар оз эмас. Кўпинча айрим шахсларнинг квартираларига ҳашаматли пардоз берилмоқда, меҳнаткашлар квартираларини ремонт қилишга эса ҳеч навбат келмайди. Шахсий пенсионер Гражданлар уруши ва Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси С. Ф. Котляр Тошкентнинг Ленин район ижроия комитети унинг бир хонали квартирасини ремонт қилишга розилик бергунига қадар ижрокомга қатнайвериб ҳолдан тойди. Бухоро область Свердлов области прокурори А. Сафаровнинг уйини ремонт қилиш учун эса 13 минг сўм сарфланган. Шунча пул районнинг бир йиллик ремонт фондининг учдан бир қисмини ташкил этади. Депутатларнинг кўзи қаёқда эди? Советлар қаёққа қаради? Халқ контроли органлари қаерда эди?

Уй-жойлардан фойдаланиш конторларининг ишини кун сайин контрол қилиб туриш иши бўлашиб кетган. Бу ерда одамларга нисбатан дағал, бефарқ қараш ҳоллари кўп.

Ўтган йили Янгиерда 600 га яқин квартира ситилмади. Ўша вақтда Тошкент аҳолиси бошидан кечирган қийинчиликларни ҳеч ким унутгани йўқ. Лекин ҳозир ҳам шаҳар ижроия комитети шаҳарнинг энергетика хўжалигини кенгайтириш масалаларини ҳал қилишда жуда ҳам сусткашлик қиляптилар. Тошкент, Янгиер шаҳарларнинг, бошқа шаҳарларнинг аҳолиси бундай бемазагарчилик қайта такрорланмаслигига қатъий ишонч ҳосил қилишлари керак. Йўл қўйилган бу хатолардан ҳамма тўғри хулоса чиқариши шарт. Хатоларнинг такрорланишини одамларнинг энг муҳим эҳтиёжларига бефарқ қараган билан баравар деб, ўз вазифаларига масъулиятсизлик билан муносабатда бўлиш деб ҳисоблаш керак.

Квартира бериш учун пора талаб қилган, прописка қоидаларини бузган, навбатсиз ер участкалари берган бир қанча ижрокомлар ва уй-жой бошқармаларининг масъул ходимлари фош қилинганлиги ва жиноий жавобгарликка тортилганлигидан жиддий хулосалар чиқариб олмоқ керак. Тошкент шаҳрининг Чилонзор ва Акмал Икромов райижрокомлари раисларининг ўринбосарлари О. Е. Демаков ва Т. С. Содиқов, Самарқанд шаҳар Темирйўл райони 10-ЖЭК бошлиғи А. Ўсаров ва бошқалар худди ана шундай жиноий йўлга қадам қўйганлар.

Медицина хизмати сифати пастлиги ҳақида айниқса, қишлоқ жойлардаги меҳнаткашлардан ҳали ҳам кўплаб таъна ва шикоятлар келиб турибди. Беморларга яхши эътибор бериб қарамаслик, касаллик диагнозини нотўғри белгилаш, камёб дориларни яшириб сотиб, чайқовчилик қилиш, беморларни совға-саломлар эвазига касалхоналарга ётқизиш ҳоллари мавжуд. Тошкент медицина билим юртининг директори Х. Ибодов, Самарқанд область тери-таносил диспансерининг бош врачи Ш. Ягудаев пораҳўрлик учун, Китоб район касалхонаси дорихонасининг мудири Н. Саломов, Ильич районидаги 26-дорихона мудири М. Қаюмов, Ургут районидаги 52-дорихона мудири Р. Очиловлар камёб дориларни талон-торож қилганлиги ва чайқов баҳосида сотганлиги учун узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиндилар.

Бу танқид медицина ходимлари ва шахсан соғлиқни сақлаш министри А. М. Худойбергановга ҳам, халқ депутатлари область, шаҳар, район Советлари ва уларнинг соғлиқни сақлаш бўлимларига ҳам бирдай тегишлидир. Улар медицина муассасаларидаги маънавий савия пастлиги учун бевосита жавобгардирлар. Соғлиқни сақлаш коллективларида тарбиявий ишни кучайтириш, медицина ходимлари ўз профессионал бурчини бажаришга бефарқ муносабатда бўлган ҳар бир ҳолни эътибордан четда қолдирмаслик керак.

Медицина кадрларини янада тўғрироқ тақсимлаш билан ҳам жиддий шуғулланиш лозим. Бу ҳақда кўп йиллардан бери гапириб келинмоқда. Ҳозир врачларнинг бор-йўғи 20 процентидан кўпроғи қишлоқларда ишламоқда. Ҳолбуки, республика аҳолисининг 60 проценти қишлоқ жойларда яшайдилар. Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ва маҳаллий Советлар қишлоқ меҳнаткашларига медицина хизмати кўрсатишни яхшилашда янада қатъиятли бўлишлари ва кўпроқ куч-ғайрат сарфлашлари керак. Соғлиқни сақлаш ишидаги салбий ҳодисаларга қарши курашда кўпроқ принципиаллик ва изчиллик бўлиши зарур.

Кўпгина район марказлари ва шаҳарларда маиший хизмат кўрсатишни ташкил этиш ҳали аҳолининг эҳтиёжларига тўла жавоб бермайди. У ерларда кийимларни химиявий усулда тозалаш, кир ювиш сингари хизматлар кўрсатилмаяпти. Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлиги (министр В. П. Куксенко) хабардор бўлгани ҳолда, бу тармоқ корхоналари «ялпи даромад» кетидан қувиб, кўпинча меҳнаткашларнинг эҳтиёжлари ҳақида ғамхўрлик қилмаяптилар. Кўпгина ателье, устахоналар якка буюртмаларни қабул қилишни кенгайтириш ўрнига кийим-бош ва пойабзалларни кўплаб тикиш билан банд бўлмоқдалар. Маиший хизмат корхоналари аҳолига яқинроқ бўлиш, улар учун кўпроқ қулайликлар келтириш ўрнига ўз эътиборларини корхоналар ва муассасаларнинг буюртмаларини бажаришга қаратиб келмоқдалар, аҳолига эса кам хизмат қилмоқдалар. Масалан, кирхоналарнинг иш ҳажмида корхоналар буюртмаси 90 процентдан, мебелларни ремонт қилувчи устахоналар иш ҳажмида 55 процентдан, мураккаб рўзғор техникасини ремонт қилиш устахоналарида эса 40 процентдан ошиб кетади. Аксари йирик корхоналар, қишлоқ ва посёлкалар шу пайтгача маиший хизмат кўрсатиш пунктларига эга эмаслигини нормал деб бўладими?

Қишлоқ аҳолисининг турмуш маданиятини ошириш учун Советлар қишлоқларни қайта қуриш, хутор системасини тугатиш соҳасида олиб бораётган ишлар алоҳида роль ўйнайди. Масалан, Сирдарё районидаги «Ленинград» колхозининг марказий қўрғони кўп йиллардан бери бош план асосида қурилмоқда. Мирзачўлдаги сердаромад бўлган бу кўп тармоқли хўжаликда ҳар бир оила кенг ва шинам коттеджлар билан таъминланмоқда. Колхоз янги уйларга кўчиб кирувчилар учун ҳатто мебель гарнитурлари ҳам сотиб олмоқда. Бу ерда жуда яхши мактаблар, болалар боғчалари, магазинлар қурилган. Шу туфайли бунда ишлаб чиқариш ютуқлари ҳам катта, даромадлар ҳам ошиб бормоқда.

Лекин ўша Сирдарё областининг ўзида ҳамма жойда ҳам ишлар ана шундай йўлга қўйилган, деб бўлмайди. Жумладан, 16 та янги совхозда мактаб йўқ, болалар турар жойларда ўқишмоқда, 7 та совхозда эса болалар боғчаси йўқ. Кейинги йилларда қурилган 18 та совхоз посёлкасида бешта медпункт, бешта клуб, бешта дорихона бор.

Меҳнаткашларнинг турмушини яхшилаш масалаларига Советларнинг муносабатини кескин ўзгартириш керак. Бу ҳақда ғамхўрлик қилиш Советлар фаолиятини баҳолашнинг бош мезонларидан бири бўлиши зарур.

Совет ҳокимияти йилларида гражданларнинг конституцион ҳуқуқлари тўла-тўкис амалга оширилишини гарантиялаб берадиган мустаҳкам моддий база вужудга келтирилди. Социал адолат принциплари давлатимизнинг, халқ ҳокимиятининг қон-қонига сингиб кетди. Давлат бу принципларга оғишмай риоя этиш ҳақида алоҳида ғамхўрлик қилмоқда.

Лекин кейинги вақтларда бизда гражданларнинг конституцион ҳуқуқларини, социал адолат принципларини камситиш ҳоллари тез-тез учрайдиган бўлиб қолди. Бир ёқда касални ётқизиш учун ҳақ олинса, иккинчи ёқда квартиралар таниш-билишларга ёки пора эвазига берилади. Айрим шахслар ўз уйларини давлат маблағлари ҳисобидан кўплаб пул сарфлаб, навбатдан ташқари ремонт қилади, иккинчи томондан эса кўп уйларга совуқ ва иссиқ сув берилмайди. Бундай ҳоллар бизнинг ахлоқимизнинг, бизнинг маънавий принципларимизнинг негизига болта уришдан бошқа гап эмас. Мана шундай суиистеъмоллар ҳақида гражданлар — ишчилар, колхозчилар ва камдан кам ҳолларда депутатлар хабар қилишади. Ҳолбуки, халқ вакилига четдан туриб кузатувчи бўлиш сира ҳам ярашмайди. Унинг бундай ҳодисаларни четлаб ўтишга ҳаққи йўқ. У бунақа пайтда айниқса зийрак бўлиши керак. Маҳаллий Советлар корхоналар, қурилишлар колхоз ва совхозлар иш практикасидан ҳар қандай қўшиб ёзишларни батамом йўқотишлари, бундай қалтис йўлга ўтмоқчи бўлганларга нисбатан муросасизлик кайфиятини тутдиришлари керак. Афсуски, бундай шароит ҳамма жойда ҳам яратилган деб бўлмайди. Масалан, Бухоро областининг Қоракўл пахта тозалаш заводида ва Янгибозор тайёрлов пунктида яқинда йўқ пахтани бор қилиб кўрсатиб, деярли 300 минг сўм пул ўзлаштириб юборилган. Ҳолбуки, бу корхоналарда кўпгина депутатлар ишлайди.

Юз бераётган салбий ҳодисаларнинг сабабларини анализ қилсак, бундай ҳодисалар кўпинча айрим раҳбарларнинг қонунсиз кўрсатмалари, фармойишлари ва шахсий илтимосларини ўйламай-нетмай кўр-кўрона бажариш туфайли юз бераётганини кўрамиз. Принципсизлик яхшиликка олиб бормайди. Масалан, Жиззах шаҳар ижрокомининг раиси В. Ф. Югай, Тошкент шаҳар Октябрь райижрокомининг раиси М. Аъзамов, Бухоро шаҳар ижрокомининг раиси Б. К. Султонов ва бошқалар лаганбардорлик йўлидан бориб квартираларни талон-торож қилганлар, машиналарни навбатсиз улашганлар, таниш-билиш одамларни ишга қабул қилганлар ва шу каби қонунга хилоф бошқа ишларга қўл урганлар. Хўжалик масалалари юзасидан принципсизлик, билимсизлик билан берилган беқарор кўрсатмаларни лом-мим демай бажариш яна ҳам ёмонроқ, яна ҳам оғирроқ оқибатларга олиб келади.

Шу муносабат билан бир муҳим нарсани айтмоқчимиз. Айрим гражданлардан ўзига нисбатан тўраларча расмий муносабатни кўриб, ҳаётий масалаларни ўйламай-нетмай ҳал қилиш натижаларидан жафо чекиб, баъзан инсон меҳнати ва яхши хом ашё ҳеч кимга керак бўлмаган товарларга айлантирилаётганини кўриб, фактларни асоссиз равишда умумлаштириб қўядилар ва сал бўлмаса бутун ҳокимиятни айбдор қилмоқчи бўладилар. Турган гапки, бу нотўғридир. Меҳнаткашлар буни жуда яхши тушунадилар. Модомики, бизда бирон-бир салбий ҳодиса юз берар экан, бунга сабаб муҳим иш участкалари ишониб топширилган айрим кишилар баъзида масъулиятсизлик қилиб, либерал тарзда ишга совуққонлик билан қарайдилар. Улар ўз фаолиятсизликлари туфайли ана шундай бемаъни ишларга ёрдам берадилар ва давлатимизнинг асосларига путур етказадилар.

КПСС Марказий Комитети кўрсатиб ўтаётганидек, аҳоли кўпинча Советларнинг иш савиясига, уларнинг халқ бахт-саодати тўғрисида қилаётган ғамхўрлигига қараб Совет давлатининг бутун сиёсатига баҳо беришини ҳамиша ёдда тутиш керак.

КПСС Марказий Комитети апрель Пленумида кўрсатиб ўтилганидек Советларнинг гоят катта ва бой имкониятлари билан бу имкониятларни амалга ошириш ўртасидаги фарқни йўқотиш учун улар фаолиятининг демократик формаларини изчиллик билан такомиллаштириш, уларнинг омма билан алоқасини янада мустаҳкамлаш керак.

Сессиялар ишини такомиллаштириш муҳимдир. Сессияларда чинакам халқ ҳокимияти, коллектив раҳбарлик органлари бўлган Советларнинг моҳияти тўла-тўкис юзага чиқади.

Сессияларни ташкил этиш ва ўтказиш соҳасида Ангрен, Чирчиқ шаҳар Советлари, Боғот, Хўжайли район Советлари ва бошқа кўпгина Советлари яхши тажриба тўплаганлар. Бу Советларнинг сессияларида хўжалик ва маданий, қурилиш соҳасидаги аҳвол чуқур анализ қилинмоқда, қарорларни тайёрлашда барча депутатлар актив қатнашмоқда, белгиланган ишларни бажариш, ижрони амалда контрол қилиш яхши ташкил этилмоқда.

(Давоми учинчи бетда).

Депутат О. У. САЛИМОВ доклади

(Бошы биринчи ва иккинчи бетларда)

Аммо бир қанча халқ депутатлари Советларининг, хусусан Бухоро, Жиззах, Навоий, Самарқанд ва Хоразм область Советларининг сессиялари расмиятчилик вазиятида, танқид ва ўз-ўзини танқидсиз ўтаётганини айтиш керак. Ҳолбуки, бу областлардаги шаҳар ва районларда ҳал қилинмаган проблемалар ва камчиликлар қалашиб ётибди. Демак, ҳамма ерда Советларнинг сессияларини пухта тайёрлаш керак, уларда депутатлар, доимий комиссиялар актив иштирок этиши, сайловчиларнинг фикр-мулоҳазалари албатта ҳисобга олиниши лозим. Шунга эришиш керакки, ҳар бир сессия амалда коллектив бошқариш мактабига. принципиал танқид ва ўз-ўзини танқид, юксак талабчанлик минбарига айлансин.

Депутатлар сўрови Советлар сессиялари иш практикасидан ҳали муносиб ўрин олгани йўқ. Ўтган йили маҳаллий Советларда ўрта ҳисобда ҳар 49 депутатга биттадан сўров тўғри келган. Наманган, Сурхондарё, Сирдарё область Советлари сессияларига битта ҳам сўров тушмаган. Навоий, Фарғона область маҳаллий Советларининг сессияларида камдан кам сўров тушмоқда. Ҳолбуки, ҳар бир депутатда Советлар муҳокамасига қўйса арзигулик масалалар йиғилиб қолган.

Партия Советлар олдига қўйган вазифаларни ҳал қилиш улар доимий комиссияларнинг ролини ҳамма чоралар билан оширишни тақозо этмоқда. Доимий комиссиялар тайёргарлик ишларини ва контрол қилиш функцияларини амалга ошириб, карорларнинг бажарилишини ташкил этмоқдалар, Советлар ишининг узлуксиз давом этишини таъминламоқдалар, Советлар ва улар ижроия комитетларининг қабул қилган қарорларини амалга оширмоқдалар. Доимий комиссиялар теварагида 70 минг кишидан ортиқ активист иш олиб бормоқда. Комиссиялар Советларни аҳоли билан мустаҳкам боғлаб турувчи ўзига хос механизмдир. Улар фаолиятида кўпгина қимматли нарсалар пайдо бўлди. Биргина ўтган йилнинг ўзида улар сессияларда қараб чиқиш учун 10 мингга яқин масала ва ижроком мажлисларида қараб чиқиш учун 30 мингдан ортиқ масала тайёрладилар. Лекин бўш ишлаётган, ташаббус кўрсатмаётган, аслида вақтни бекор ўтказаётган комиссиялар ҳам оз эмас. Комиссиялар ишини яхшилаш Советларнинг хўжалик ва маданий қурилишга раҳбарлик қилишини кучайтиришнинг энг тўғри йўлидир.

Депутат бўлиш — юксак шарафли ҳамда катта масъулиятли ишдир. Шу сабабли депутатларнинг ишлаб чиқаришдаги ва ижтимоий ҳаётдаги активлигини янада оширишга зўр эътибор бериш керак. Халқ сайлаб қўйган вакилларнинг биринчи даражали вазифаси — сайловчилар билан алоқани мустаҳкамлашдан, улар билан мунтазам учрашиб туришдан, жамоатчилик фикрини билиш ва ифода этишдан иборатдир.

Лекин минг афсуски, бизда, айниқса, министрлик ва идораларнинг раҳбарлари орасида шундай депутатлар борки, улар ўз депутатлик мандатини ишонч ёрлиғи деб эмас, балки ҳурмат-эҳтиром келтирадиган бир ҳужжат деб биладилар. Улар депутатлик мандати бераётган маънавий ва моддий неъматлардан жон-жон деб фойдаланадилар. депутатлик ишончини фахрланиб, такиб юрадилар. Лекин улар аслини олганда депутат сифатида фақат сессияларга катнашиш билан чекланадилар, уларнинг бир қисми ҳатто сайловчилар билан учрашишни ва уларга ҳисоб беришни кераксиз бир иш деб ҳисоблайди. Чунончи, кейинги тўрт йил мобайнида республика ташкилотларининг кўпгина раҳбарлари сайловчилар билан бир марта ҳам учрашмадилар ёки бир мартагина учрашдилар.

Советлар олдида турган вазифаларни бажаришда уларга депутатлик группалари қимматли ёрдам кўрсатмоқда. Аниқ иш плани билан қуролланган актив депутатлар группаси кўпгина амалий масалаларни ҳал қила олади. Буни ҳар кунги ҳаёт тасдиқламоқда. Депутатлар группасининг фаолияти беш йиллик планлар мувваффақиятли ҳал қилинаётган жойда, яъни пахта конвейерининг ҳамма бўғинларида, ишга туширилдиган энг муҳим объектларда, янги корхоналарнинг қувватларини ўзлаштиришда, чорвачилик комплексларида, социал соҳадаги вазифаларни амалга оширишда, айниқса, актив бўлмоғи керак. Советлар депутатлар группалари ишини йўлга солиб туриши, улар фаолиятини контрол қилиб бориши керак. Яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ташаббуси билан халқ депутатлари қишлоқ ва посёлка Советлари раисларининг республика семинари ўтказилди. Аминмизки, бу тадбир хўжалик ва маданий қурилиш планларини амалга оширишда уларнинг ролини кучайтиришга қўмаклашади.

Ҳаёт, совет жамияти тараққиётининг бутун жараёни раҳбар кадрлар олдига тобора каттиқ талаблар қўймоқда. Бу талабларга мувофиқ равишда иш олиб бориш осон эмас. Ҳозир ҳар бир совет ходими Ленин партияси ишига нексиз садокати билан, юксак ишчанлик ва ахлоқий фазилатлари билан, ташкилотчилик қобилиятлари ва шахсий ташаббуси билан ажралиб туриши керак. Биз буни шунинг учун ҳам эслатишга мажбурмизки, айрим депутатлар ишда ва турмушда камтарлик ўрнига манманлик қилмоқдалар, хизмат мавқеини суиистеъмол қилиб, ўз фаолиятларида шахсий бахт-саодатни ҳаммадан устун қўймоқдалар, кўрсатилган ишончни оқламаяптилар. Яқинда Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари З. И. Есенбоев. В. Муродхўжаев, Д. Маликов, Ў. Тўрақулов. А. Умиров, Б. Элбоев ва Ҳ. Х. Яҳёев, шунингдек маҳаллий Советларнинг 59 депутати чақириб олинди. Улар орасида Муборак шаҳар ижроқоми раисининг ўринбосари Ҳ. Акимов, Наманган шаҳар ижрокоми раисининг ўринбосарлари А. Г. Лисенко ва С. Акбаровлар бор. Бу депутатларнинг чақириб олиниши уларнинг нолойиқ иш қилиб, ўз обрўсига доғ туширганликлари учун сайловчилар халқ ҳокимияти органларида бундайлар бўлишини истамаганликларини кўрсатади.

Ходимларни танлашда уларнинг ишчанлик ва сиёсий фазилатлари қандайлиги эмас, балки улар қаердан ва кимнинг қариндоши эканлиги ҳал қилувчи роль ўйнаши ҳам жамиятга жуда зарар келтиради. Бу ҳол айрим раҳбарларнинг атрофларига айтганларини ҳеч сўзсиз бажарадиган «ўз» кишиларини тўплаб олишларига сабаб бўлади. Улар ҳеч монесиз турли қаллобликлар қиладилар.

Бугунги кунда Советларнинг контрол қилиш функцияларини кучайтириш масаласи, айниқса, кескин бўлиб турибди.

«Биз, — деди ўртоқ К. У. Черненко КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленумида, — Ленининг Советлар ишида «Марказий ҳокимият ва маҳаллий муассасалар чиқарган қарорларининг ҳақиқатан амалга оширилаётганлиги устидан аниқ контрол олиб бориш биринчи ўринда турадиган бўлиши керак» деган талабини унутганимиз йўқ».

Практикада эса баъзан шундай бўлади: масалалар муҳокама этилади, улар юзасидан қарорлар қабул қилинади. Лекин, ишнинг аҳволи яхшиланмай қолаверади. Андижон область Жалолқудуқ район ижроия комитетига қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантириш масалаларини кам қараб чиққан деб таъна қилиб бўлмайди. Уч йил мобайнида ижроком ана шундай масалани 59 марта муҳокама қилди. Шунга қарамай, райондаги 10 хўжаликнинг ҳаммаси уч йиллик якунлар бўйича пахта тайёрлаш планини бажармади, давлатга 11 минг тонна хом ашёни кам топширди.

Советлар ва уларнинг ижроия комитетлари ўзларига қарашли территорияда қонунларга риоя этилишини контрол қилар эканлар, ўзлари қабул қилаётган ҳужжатларнинг қонуний бўлишини таъминлашлари зарур. Ҳолбуки, қонунсиз қабул қилинган қарорлар ва фармойишлар сони деярли камаймаяпти. Биргина 1983 йилнинг ўзида прокуратура органлари 300 дан ортиқ ана шундай қарор ва фармойишларга протест бердилар. Бундай фактларга асло йўл қўйиб бўлмайди. Совет органларининг қонунларга зид ҳар бир қарори гражданлар ҳуқуқини камситиш, давлат ва жамоат ташкилотлари манфаатларини бузишдир, у Советларнинг обрў-эътиборига катта зарар келтиради.

Ҳар бир Совет марказий ҳокимият органидир. Шу сабабли қонунларнинг бажарилишини контрол қилиш масалалари сессияларнинг, ижроия комитетларининг кун тартибидан тушмаслиги керак. Хусусан, яқинда қабул қилинган Меҳнат коллективлари тўғрисидаги қонуннинг бажарилишига катта эътибор бериш зарур. Унинг ҳар бир қоидаси давлат, хўжалик органлари, барча мансабдор шахсларнинг жонли иш практикасига тезроқ сингиб кетишига эришиш жуда муҳимдир.

Қонунларни мустаҳкамлаш Советлардан ҳуқуқни бузишга қарши курашда ҳужжумкорликни кучайтиришни, милиция, суд, прокуратура органлари ишининг самарадорлигини оширишни талаб қилмоқда. Чунки, жиноятлар сони ҳали ҳам ўсиб бораяпти, уларни очиш ҳоллари эса кам. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ишини тубдан яхшилаш вазифаси бугунги кунда жуда актуал бўлиб турибди. Шундай экан, Советлар уни актив ҳал қилмоқлари керак. Ҳозир эса биз айрим мансабдор шахслар салбий ҳодисаларга қарши курашни қизитиш ўрнига, ҳуқуқни бузувчиларни ҳимоя қилаётган, маъмурий органлар ишига тўсиқ солаётган ҳолларга дуч келиб турибмиз. Масалан, Жиззах область прокурори область ижроия комитетига бир қанча корхоналарда ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши кураш бўшашиб кетганлиги ҳақида ёзма маълумот юборганида, область ижрокоми раисининг ўринбосари Н. А. Хуранов чора кўриш ўрнига маълумотномага: «Мавжуд камчиликларни умумлаштиришдек нотўғри практикага чек қўйиш вақти келди», деб резолюция қўйган. Бу эса сиёсий шабқўрликдан бошқа нарса эмас.

Шундай бир савол берсак ўринли бўларди. Нима сабабдан депутатларни жиноий жавобгарликка тортишга розилик сўраб берилган ҳар тўрт расмий тақдимноманинг битгаси маҳаллий Совет ижроия комитетлари томонидан рад этилмоқда. Уларга юксак ҳуқуқ ва ваколатлар депутатлик мандатини қалқон қилиб олган муттаҳамларни ҳимоя қилиш учун бериб қўйилганми?

Советлар билан аҳоли ўрта сидаги алоқанинг муҳим воситаси гражданларнинг хатларидир. Бу хатларга расмий—бюрократларча муносабатда бўлиш фактлари ҳали ҳам кўп учраб туради. Самарқандлик гражданка М. Д. Друшченко квартирасида уч йил мобайнида трубалардан сув оқиб ётган, иситиш системаси ишламаган. У еттита идорага, хатто шаҳар ижрокомигача мурожаат қилган, лекин ҳеч кимдан реал ёрдам ололмаган. Республика органлари аралашганидан кейингина квартирадаги трубалар тузатилиб, жорий ремонт қилинган. Самарқанд шаҳар ижрокомининг раиси А. Худойқулов аризачига ёрдам берилганлигини маълум қилди-ю, лекин кўп йиллардан бери сансалорлик қилишда айбдор бўлган мансабдор шахслар қандай жазо олганлиги ҳақида лом-мим дема ди. Хатлар билан ишлаш ҳамма вақт Советлар ва уларнинг ижроия комитетлари диққат марказида туриши керак.

Сайловчиларнинг наказлари муттасил эътибор беришни талаб қилмоқда. Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатларига 1773 наказ берилган эди. Шундан беш йилликнинг уч йили мобайнида 973 наказ бажарилди, 766 наказ эса бу йил амалга оширилади ёки 1985 йил планига киритилади. Маҳаллий Советларнинг депутатлари сайловчилардан 86 минг 116 та наказ олдилар. Шундан 60 минг 584 таси бажарилди. Кўпгина шаҳар ва районларда бу ишга жиддий муносабатда бўлдилар. Лекин наказларнинг анчагина қисми ҳали ҳам бажарилмай қолиб келмоқда. Бу ишни тузатиш керак.

Республикамиз ўзининг шонли 60 йиллиги сари кучғайратга тўлган ҳолда бормоқда. Ўзбекистон меҳнаткашлари ўзларининг эришган барча ютуқларини Ленин партиясининг жуда катта фаолияти билан, улуғ рус халқининг барча қардош республикалар халқларининг беғараз ёрдами билан боғламоқдалар. Юбилейга тайёргарлик кўриш бизнинг тараққиётимизга халқит берадиган ҳамма нарсаларни қатъиятлик билан йўлдан олиб ташлаш ва эртанги кун марралари сари дадил қадам қўйиш демакдир. Ҳар бир депутатнинг бурчи эса ҳамма ерда намунали тартиб ўрнатиш ишига актив киришишдан, юбилей йилининг юксак социалистик мажбуриятлари, албатта, бажарилишини таъминлашдан иборат. Бу йил 6 миллион тонна пахта етиштириб, давлатга сотиш, саноат ишлаб чиқариши ҳажмини камида 6 процент ўстириш, Озиқ-овқат программаси бўйича ва ишга туширилаётган объектларни фойдаланишга топшириш соҳасида қабул қилинган мажбуриятларнинг ҳамма пунктларини тўла адо этиш республика меҳнаткашларининг шарафли бурчидир. Бу ишда эса бизга КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленуми қарорлари, республикамиз ҳаётида катта воқеа бўлган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми ҳужжатлари муҳим йўл-йўриқ ҳисобланади.

Сизларнинг номингиздан КПСС Марказий Комитети ва унинг Сиёсий бюросини, шахсан ўртоқ К. У. Черненкони, СССР Олий Советини ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетини ишонтириб айтишга ижозат бергайсизки, Ўзбекистон ССР халқ депутатлари Советлари апрель Пленуми қарорларини амалга ошириш учун зарур бўлган ишни қилдилар ва янгидан янги муваффақиятларга эришиб, кўп миллатли улуғ Ватанимиз қудратини янада мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшадилар. **(Қарсаклар).**

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ «УМУМИЙ ТАЪЛИМ ВА ҲУНАР МАКТАБИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ҲАҚИДА»ГИ ҚАРОРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раиси депутат Н. Ж. ХУДОЙБЕРДИЕВ доклади

Ҳурматли депутат ўртоқлар! Сессиямизнинг иши КПСС Марказий Комитети 1984 йил февраль ва апрель Пленумлари қарорларининг, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. У. Черненконинг сермазмун нутқларида баён этилган йўл-йўриқларнинг белгиловчи таъсири остида ўтмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 23 июнь куни бўлиб ўтган XVI пленумида Коммунистик партия билан Совет давлатининг, КПСС ленинчи Марказий Комитети ва унинг ўртоқ К. У. Черненко бошчилигидаги Сиёсий бюросининг ички ва ташқи сиёсати астойдил маъқулланиб, қўллаб-қувватланаётганлиги яна бир бор намойиш этилди.

Бу пленум республика партия ташкилоти ҳаётидаги ғоят муҳим воқеа бўлди. Унинг қарорлари Ўзбекистон коммунистлари, барча меҳнаткашларининг келгусидаги бутун фаолиятида жанговар программа бўлиб қолди.

Пленум республика экономикаси ва маданиятини ривожлантиришдаги муайян муваффақиятларни қайд этиб, хўжалик ва маданий қурилишга раҳбарликдаги камчиликларни чуқур партиявий принципиаллик асосида дадил очиб ташлади. Пленум барча раҳбарлар учун ғоявий чиниқиш мактаби, ленинча иш услубини эгаллаш мактаби, коммунистик тарбия мактаби бўлиб қолди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев докладида, КПСС Марказий Комитети секретари Е. К. Лигачев нутқида, пленум қатнашчиларининг нутқларида партия ва давлат интизомини бутун чоралар билан мустаҳкамлаш, кадрлар билан ишлашни яхшилаш, ҳамма жойда юксак гражданлик ва талабчанлик, салбий ҳодисаларга муросасизлик муҳитини вужудга келтириш зарурлиги тўғрисида рўй-рост ғоят принципиаллик билан гапирилди. Пленумда таъкидлаб ўтилганидек, ҳар бир коммунист, ҳар бир раҳбар жамоат ҳаётида ҳам, шахсий ҳаётда ҳам давлат билан халқ манфаатларини ҳаммадан юқори қўйиши, юксак партиявий интизом, ишга давлат нуқтаи назари билан ёндашиш, шахсий камтарлик намунаси бўлиши керак.

Ўзбекистон коммунистлари, барча меҳнаткашлари республика партия ташкилотининг, унинг Марказий Комитетининг мавжуд камчиликлар ва хатоларни қатъият билан тугатишга, республикада соғлом маънавий-психологик вазиятни вужудга келтиришга қаратилган қатъий йўлини тўлатўкис маъқуллайдилар, Ўзбекистон ССР олдига қўйилган хўжалик ва сиёсий вазифаларни амалга ошириш учун фидокорона курашишга, унинг Советлар мамлакати қудратини янада мустаҳкамлашга қўшаётган ҳиссасини бутун чоралар билан кўпайтиришга азму қарор берганлар.

КПСС Марказий Комитети 1984 йил апрель Пленуми ҳамда ўн биринчи чақириқ СССР Олий Совети биринчи сессиясининг қарорларига мувофиқ мамлакатда умумий таълим ва ҳунар мактабини амалда ислоҳ қилиш борасидаги ишлар ҳар жиҳатдан кенг авж олдириб юборилди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ К. У. Черненко партия Марказий Комитети Пленумида сўзлаган нутқида мактабни ислоҳ қилишни жуда катта умумий сиёсий аҳамиятга молик масала, деб таърифлади. «Совет жамияти улуғ мақсадларимиз сари дадил олға силжимоғи учун, — деб таъкидлади у, — ҳар бир янги авлод маълумот ва умумий маданиятнинг, касб-кор малакаси ва граждан активлигининг янада юқори поғонасига кўтарилиши керак».

Мактабни ислоҳ қилиш партия билан халқнинг ривожланган социализмни такомиллаштириш борасидаги собиқадам ишининг таркибий қисмидир. Ёш авлодни ўқитиш ҳамда тарбиялаш, уни ҳаёт ва меҳнатга тайёрлаш ишларининг ҳаммасини тубдан яхшилаш — ислоҳотнинг энг асосий мақсадидир.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг қўшма қарорларида мактаб ислоҳотини босқичма-босқич амалга ошириш тартиби белгиланган. Шу ишларнинг ҳаммаси зарур моддий ва ташкилий негизга қурилади.

Асосий йўналишларда мамлакатимизда тарбия ва маориф соҳасида тўпланган жамики қимматли натижалар авайлаб сақланган ва фойдаланилган. В. И. Ленин ташкил этган совет халқ маорифи системаси одамларни билимлардан ғоят кенг кўламда баҳраманд этди, социалистик қурилишда бебаҳо роль ўйнади.

Бу нарса Ўзбекистон мисолида ҳам яққол кўриниб турибди. 1926 йилги аҳоли рўйхатига кўра катта ёшдаги аҳоли ўртасида саводли кишилар атиги 11,6 процент, ўрта ва олий маълумотли кишилар эса жуда оз бўлган бўлса, эндиликда аҳолининг 70 процентдан кўпроғи ўрта ва олий маълумотлидир. Халқ маорифи соҳасида талайгина тажриба орттирилган. Биз бугунги кунда ҳам ёшларнинг юксак даражада маълумотли бўлишини таъминлаш учун барча зарур нарсаларга эгамиз. Республикада 9380 та мактаб, 590 та ҳунар-техника билим юрти, 238 та техникум ва ўқув юртлари, 43 та олий ўқув юрти бор. Уларда 5 миллиондан кўпроқ киши таълим олмоқда.

Халқ маорифининг моддий базаси планли равишда мустаҳкамланмоқда. 1976 йилдан 1983 йилгача ўтган даврда давлат капитал маблағлари ҳисобига 926 минг ўқувчига мўлжалланган янги мактаблар, 55 минг ўринли ҳунар-техника билим юртлари, 254 минг ўринли мактабгача тарбия болалар муассасалари барпо этилди. Ҳозир мактаб партасидан жой оладиган болалар келгуси — йигирма биринчи асрда яшаб, ишлашларига тўғри келишини ёдда тутиш керак. Ислоҳотни амалга ошириш ёшларнинг мамлакат, ундаги ҳар бир республика ишлаб чиқарувчи кучларини шитоб билан ривожлантириш, фан-техника революцияси ютуқларидан кенг қўламда фойдаланиш талабларига мос бўлиб тушадиган билимларни, меҳнат кўникмаларини ҳосил қилишлари учун шароит яратади.

Миллионлаб совет кишиларининг коллектив ақл-заковати ва тажрибасини мужассамлаштирган ислоҳот қонун кучини олган ҳозирги пайтда катта тащкилотчилик, оммавий-сиёсий ишларни амалга ошириш керак бўлади. Ўзларингизга маълумки, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XV пленуми КПСС Марказий Комитети 1984 йил апрель Пленуми қарорларини бажариш юзасидан республика партия ташкилотининг вазифаларини муҳокама этди ҳамда республикамиз шароитида умумий таълим ва ҳунар мактабини муваффақиятли равишда ислоҳ қилишнинг конкрет йўлларини белгилади.

Маориф министрлиги, Ҳунар-техника таълими давлат комитети, Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги, барча министрликлар ва идоралар, халқ депутатлари маҳаллий Советлари, мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари, меҳнат коллективлари ислоҳотга доир амалий тадбирларни дарҳол актив равишда рўёбга чиқаришга киришишлари лозим. Бу йил 1985 йилда, шунингдек, ўн иккинчи беш йилликда ким нимани, қайси муддатларда бажариши кераклигини аниқ белгилаб олиш зарур. Халқ депутатлари маҳаллий Советларининг сессияларида ислоҳотни босқичма-босқич амалга ошириш комплекс планларини кўриб чиқиб, тасдиқлаш лозим.

Мана шу барча тайёргарлик ишлари биз янги ўқув йили бошиданок ислоҳотни амалга оширишга реал киришиш олишимиз учун август ойида ниҳоясига етказилиши керак.

Ёш авлодни ғоявий-сиёсий, синфий жиҳатдан чиниқтириш ёшларни тарбиялаш соҳасидаги биринчи даражали вазифа бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда. Мактаблар ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларда марксча-ленинча дунёқарашни, идеалларимизни қаттиқ туриб ҳимоя қилиш, бизга ёт қарашларга қатъий зарба бериш маҳоратини шакллантиришлари, ўз талабаларини интернационализм ва совет ватанпарварлиги руҳида, улуғ Ватани мизга астойдил меҳр-муҳаббат ва садоқат, уни ҳимоя қилишга тайёрлик руҳида тарбиялашлари лозим.

Мактаб оила билан қалин ҳамдўстликда йигит ва қизларда коммунистик ахлоқ принципларига мувофиқ яшаш ва ҳаракат қилишга бўлган ички эҳтиёжини ҳосил қилиши, ёшлик пайтлариданоқ коллективчилик, ҳалоллик ва ҳаққонийлик, принципиаллик ва социал адолатни ҳис этиш, социалистик жамиятда яшаш қоидаларига, совет қонунларига риоя этиш зарурлигига қатъий эътиқод каби фазилатларни тарбиялаши шарт. Шу принципни бузиш салбий ҳодисаларга, баъзи эски зарарли урф-одатлар секинлик билан бартараф этилишига олиб келмоқда, дин пешволари эса ёшларга ўзларининг диний таъсирини кучайтиришга уринмоқдалар.

Мактабларни битириб чиққан баъзи ёшлар ўз вақтида ишга жойлаштирилмаётган, ҳеч қаерда ишламай ва ҳеч қаерда ўқимай юрганлигини кўрсатувчи фактлар оз эмас. КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленумида қайд этиб ўтилганидек, «Ёшлардан бир қисмининг ўз билимлари ва меҳнатсеварлиги билан эмас, балки ота-оналарининг пулига харид қилинган қиматбаҳо буюмлар билан ажралиб туришга интилиши» ташвиш туғдиради. Ёшларнинг айни мана шу категорияси ҳаммадан кўра кўпроқ ҳуқуқни бузмоқда.

Ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш ва унга таълим беришни тинимсиз такомиллаштириш — маориф ходимларининг энг муҳим вазифасидир.

Ислоҳотда умумий ўрта таълим структурасини янада такомиллаштириш кўзда тутилган. Болаларни 6 ёшдан ўқитишга босқичма-босқич ўтказиш асосан 1990 йилда ниҳоясига етказилиши керак. Республикамиз шароитида бу жуда мураккаб вазифадир. 17,5 миллион аҳолининг 8,7 миллиони мактаб ва мактабгача ёшдаги болалар.

Маҳаллий Советлар халқ маорифи органлари билан биргаликда ҳар бир мактабда бошланғич синфларга болаларни қўшимча қабул қилиш учун зарур базани муфассал кўриб чиқиб, тахт қилиб қўйишлари керак. Бунда шошма-шошарликка йўл қўйиш мумкин эмас, мактабларда талаб этилган шарт-шароитлар мавжуд бўлмаган тақдирда ўқишни болалар боғчаларида ташкил этишга тўғри келади.

Ислоҳот амалга оширилиши билан бир вақтда таълим жараёни сифат жиҳатидан яхшилана бориши керак. Бизда чуқур ва мустаҳкам билим бераётган мактаблар оз эмас. Аммо, мактабларни, айниқса, қишлоқ мактабларини битириб чиққан баъзи кишилар билиминг пастлиги сир эмас.

Мактабларимиз КПСС Марказий Комитети 1984 йил апрель Пленумида қоралаган юзакичиликка ва процент кетидан қувишга қатъиян барҳам бериши керак. Маориф министрлиги, унинг маҳаллий органлари мактабларнинг педагогик коллективлари расмиятчилик фактларини, давомат баҳосини ошириб кўрсатишни практикадан таг-томири билан қатъиян тугатишлари зарур. Кўпгина мактабларнинг ҳисоботларида кўрсатиладиган деярли юз процентли давомат одатда ҳақиқатга тўғри эмас. Бундай ҳисобот шу йилдан бошлаб бекор қилинганлиги тасодифий эмас. Ҳар бир мактабнинг фаолиятига маълумотларга қараб эмас, балки ўқувчиларнинг билимлари чуқурлиги ва мустаҳкамлигига, * ғоявий ва маънавий фазилатларига, уларнинг хаётга, меҳнатга қандай тайёрланганликларига қараб баҳо бериш керак.

Ўқитувчилар коллективлари, халқ маорифи органлари ўқитиш сифатини анча яхшилашга доир пухта ўйланган конкрет тадбирларни амалга оширишлари, ўқувчиларни ижтимоий, гуманитар ва табиийт фанларидан мустаҳкам билимлар билан қуроллантиришлари керак.

Юқори синфларда электрон-ҳисоблаш техникаси асосларини ўрганиш ўқув программаларидаги янгилик бўлмоқда. Мактабларни тамомлаб чиқаётган кишилар ҳозирги замон ишлаб чиқаришида фан-техника тараққиёти ютуқларини қўлланиш тўғрисида тасаввурга эга бўлишлари керак.

Маориф министрлиги, Ҳунар-техника таълими давлат комитети, Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети олдида ўқув программаларини қайта кўриб чиқиш, янги дарсликлар яратиш ва амалдаги дарсликларни қайта ишлаш борасида катта вазифа турибди. Госкомиздат Маориф министрлиги, Ҳунар-техника таълими давлат комитети билан биргаликда кутубхона фонди дарсликларини тайёрлаш ҳамда нашр этишнинг аниқ планини ишлаб чиқиб, мактаблар ва ҳунар-техника билим юртларини белгиланган муддатлар да зарур нусха ва номдаги дарсликлар билан таъминлаши, бунда шу дарсликларнинг полиграфик ижроси сифатини яхшилашга алоҳида эътибор бериши лозим.

Ўқувчиларни эстетик руҳда тарбиялаш зўр эътиборга моликдир. Болаларни ҳар хил формадаги бадиий ижодга жалб этишни кенгайтириш, вокал-чолғу асбоблари ансамбллари ташкил этишни тартибга солиш зарур. Бунда ёзувчилар, рассомлар, композиторлар, саҳна усталари, кинематографиячилар катта ёрдам беришлари мумкин ва лозим.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Физкультура ва спорт комитети, Маориф министрлиги, Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги, Ҳунар-техника таълими давлат комитети ҳамда ўқув юртларига эга бўлган бошқа министрликлар ва идоралар жисмоний тарбияга зўр эътибор беришлари керак. Ҳар бир мактаб ўқувчиси, ҳунар-техника билим юртининг, техникумнинг талабаси физкультура ва спорт билан мунтазам шуғулланиши лозим. Ўқув юртларининг спорт базасини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш керак.

Ҳарбий комиссариатлар, ДОСААФ ташкилотлари халқ маорифи ва ҳунар-техника таълими органлари билан биргаликда ўқувчи ёшларнинг бошланғич ҳарбий тайёргарлиги соҳасидаги ишни кучайтиришлари зарур. Ҳарбий тайёргарликнинг моддий базасини мустаҳкамлаш, барча ўқув юртларида ҳарбий кабинетлар, мудофаага тайёрлик синфлари, машқ майдончалари бўлиши, мерганлик тирлари очилиши лозим.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг республика ўқув юртларида рус тилини ўқитиш ва ўрганишни яхшилаш тўғрисидаги кўрсатмаларини амалга ошириш ғоят муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳозир бу иш кенг авж олиб кетди, мактабни битириб чиққан ҳар бир киши миллатлараро муомаланинг жуда муҳим воситаси, улуғ Ленин тили, СССР халқлари дўстлиги ва қардошлиги тили — рус тилини бемалол эгаллаб олиши учун шу ишни яна ҳам кўпроқ қучайтириш ва чуқурлаштириш лозим.

Республикамиз кўп миллатли бўлиб, бу ерда юздан кўпроқ миллат ва элатларнинг вакиллари аҳил оиладек яшаб, меҳнат қилмоқдалар. Ўзбекистоннинг партия ва совет органлари миллий тиллар ва маданиятга ғоят эътибор билан муносабатда бўлиш ҳақида зўр ғамхўрлик қилмоқдалар. Республикамизда дарслар қозоқ, тожик, туркман, қирғиз тилларида ўқитилаётган 540 тадан кўпроқ мактаб бор. Бир қанча мактабларда ўқувчиларнинг она тили—татар, корейс, немис тилларини ўрганиш группалари ишлаб турибди.

Ўқув йили бошланишигача икки ой вақт қолди. Болаларнинг дам олишини яхши ташкил этиш билан бир қаторда мактаблар, мактабгача тарбия ва мактабдан ташқари муассасалар қуриш ҳамда ремонт қилишни ўз вақтида тугаллаш, ўқитувчиларнинг малака ошириш курсларидан ўтиши, мактабларни ўқитувчи кадрлар билан тўлдириш, ўқувчиларни дарсликлар, ўқув-кўргазмали қуроллар, мактаб формаси билан таъминлаш масалаларининг ҳаммасини ҳал этиш керак.

Педагогларнинг янги отрядига алоҳида эътибор бериш, уларни катта ёшдаги ҳамкасблари ғамхўрлик ва эътибор билан қуршаб олишлари, коллективга тез ва яхши кўникиб кетиш учун барча шароитларни вужудга келтириш лозим.

Бу йил биринчи марта 1 сентябрь умумхалқ байрами— Билим куни сифатида кенг нишонланади. Бу кун янги ўқув йили— умумий таълим ва ҳунар мактаби ислоҳ қилинадиган йилни ўқишқолик билан бошлаб бериши керак.

Таълимни унумли меҳнат билан боғлаш мактаб ислоҳотининг энг асосий масаласидир. Меҳнат тарбияси Ўзбекистон мамлакатнинг ягона халқ хўжалик комплексида ҳал этаётган бош вазифалар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда амалга оширилиши керак.

Маълумки, республикамиз ишлаб чиқарувчи кучларни янада жадал ривожлантириш учун қудратли иқтисодий ва илмий-техникавий потенциалга эга. Келгусида бу нарса саноатни, айниқса, унинг прогрессив ва республика учун янги тармоқларини ғоят бой табиий ва хом ашё ресурсларидан юксак самара билан фойдаланиш негизида муттасил ривожлантириш имконини беради. Бу— мамлакатнинг пахтага бўлган эҳтиёжларини тўлиқроқ қондириш, бутун агросаноат комплекси самарадорлигини ошириш, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларини анча ривожлантириш имкониятини яратади.

Республикада меҳнат таълими соҳасида муайян тажриба тўпланган. Мактабларо ўқув-ишлаб чиқариш комбинатлари шундай таълимнинг самарали формасидир. Бундан 10 йил муқаддам дастлабки ўқув-ишлаб чиқариш комбинатлари ташкил этилган эди. Ҳозир уларнинг сони 635 тага етди, ҳар бир шаҳарда, районда иккиучтадан ва ундан ҳам кўпроқ комбинатлар бор. Юқори синф ўқувчиларининг ҳаммаси меҳнат таълимига жалб этилган. Қишлоқ мактабларида ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадаларининг роли анча ошди.

Мактаблар ва ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларини ўқишдан ажралган ҳолда узоқ муддатга қишлоқ хўжалик ишларига жалб этиш соҳасида кейинги йилларда авж олган суиистеъмолликлар тўғрисида бир неча оғиз сўз. Бундай практика Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида жиддий танқид қилинди ва бу танқидга қўшилмасдан бўлмайди. Баъзи жойларда ҳақиқатан ҳам шунга кўникиб қолишдики, далаларда катталар ўрнига асосан ўқувчилар ишлашади, буни эса ёш авлоднинг меҳнат тарбияси асосий формаларидан бири, деб кўрсатилади. Аксинча, бундай «меҳнат тарбияси» мутлақо тескари натижалар бериши мумкин.

Қишлоқ мактабларининг, ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчилари ҳосил йиғим-терими даврида дала ишларига жалб этилишлари мумкин, албатта. Лекин бу ўқишга зарар етказмайдиган, қатъий белгиланган муддатларда қилиниши керак.

Бу гап ҳунар-техника билим юртларининг, техникумларнинг ўқувчиларини, студентларни қурилиш ишларига жалб этишга ҳам айнан тааллуқлидир. Бу тадбир баъзида оммавий тус олсада, етарлича самара бермайди. Қурилишлар ва корхоналардаги ишлаб чиқариш практикаси одатда бўлажак ихтисосни ҳисобга олиб ўтказилиши керак. Каникул вақтларида ўзининг жуда яхши афзалликларини кўрсатган студентлар қурилиш отрядлари тузилиши лозим

Сирдарё областида шу кунлардаёқ шаҳар ва қишлоқ аҳолисини шу жумладан ўқувчиларни қишлоқ хўжалик ишларига оммавий равишда жалб этиб, одамларни иш жойига ва у ердан истиқомат жойига олиб б

Депутат Н. Ж. ХУДОЙБЕРДИЕВ доклади

(Боши учинчи бетда).

Министрликлар, идоралар билан, Советлар ижроия комитетларининг идоралараро комиссияларн билан биргаликда ҳунар-техника билим юртларида, мактабларда ва бевосита ишлаб чиқаришда касблар бўйича ишчи кадрлар тайёрлаш кўламини жуда қисқа муддат ичида аниқлаш, шу масала юзасидан таклифларни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг муҳокамасига тақдим этиш, йиллик планларда кадрлар тайёрлашни кўзда тутиш зарур.

Мактаб ўқувчиларининг меҳнат тарбиясида база корхона ва хўжаликларнинг раҳбарлари, партия, касаба союз ташкилотлари, умуман коллективлари муҳим роль ўйнаши керак. Улар меҳнат таълими учун, ўқувчиларга бехатар ва соғлом меҳнат шароитлари яратилиши учун мактаб билан баравар тўла жавобгар эканликларини қатъий уқиб олишлари лозим.

Мактаб ўқувчиларини меҳнат таълимига кенг жалб этиш шароитида уларга касб танлашни ўргатиш тобора кўпроқ муҳим аҳамият касб этмоқда ва бу ишни қуйи синфлардан бошлаб актив равишда амалга ошириш керак. Бу иш Ўзбекистон ССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитети билан, барча манфаатдор министрликлар ва идоралар нинг, маҳаллий Советлар ижроия комитетларининг иштироки билан мувофиқлаштирилиши лозим. Тошкент шаҳридаги Ҳамза районининг тажрибасини эътибор билан ўрганиб чиқиш керак. Бу ерда район партия комитети ва район ижроия комитетининг ташаббуси билан «Подъемник», «Ташселмаш» заводларининг, парфюмерия-косметика фабрикасининг, қоғоз комбинатининг, ёғ-мой комбинатининг ва бошқа корхоналарнинг актив иштирокида хўжалик шартномаси асосида тажриба тариқасида ёшларни касб танлашга ўргатиш ва ишга жойлаштириш район маркази ташкил этилди.

Мактабларни тамомлаб чиққан кишиларни ишга жойлаштириш масалаларини эътибордан четда қолдирмаслик керак. 1983 йилда халқ хўжалигида ишлаш учун келган 140 минг кишининг фақат 26 процени эгаллаган касбига мувофиқ ишга жойлаштирилган. Тегишли министрликлар, идоралар, маҳаллий Советлар бунга доимо эътибор беришлари лозим.

Оила мактабнинг бош иттифоқчиси эканлигини унутмаслигимиз керак. Ота-оналар мактаб билан ўқитувчининг обрў-эътиборини бутун чоралар билан оширишлари, ўз фарзандларини меҳнатга ҳурмат ва меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашлари, тартиб ва интизомга ўргатишлари лозим. Ота-оналарнинг болалар тарбияси учун масъулиятини ошириш масалалари меҳнат коллективларида кенг кўламда муҳокама этилиши керак. Ота-оналар педагогика асосларини ўрганишлари зарур.

Комсомол ва пионер ташкилотларининг ролини бутун чоралар билан ошириш, мактабларда ўқувчиларнинг ўзини-ўзи бошқариш системасини такомиллаштириш керак.

Биз мактабгача ёшдаги болаларни тарбиялашни ташкил этишни анча яхшилашимиз зарур. Ҳозирги вақтда болаларнинг 39 процени, шу жумладан қишлоқ жойларда 37 процени мактабгача тарбия муассасаларига жалб этилган. Биз шу кўрсаткич юзасидан умумиттифоқ даражасидан (57 процент) анча орқада қолдик. Афсуски ўзларига қарашли болалар боғчаларига эга бўлмаган ҳали бир қанча йирик корхоналар мавжуд. Колхоз ва совхозларда мактабгача тарбия муассасалари ҳамон кам.

Шу билан бирга, тармоқ тўла-тўкис ишга туширилмаслиги натижасида 12,7 минг болани боғчаларга жалб этиш плани бажарилмаган, 35 минг ариза қондирилмай қолдирилган. Фақат Тошкент шаҳрининг ўзида 608 мингта шундай ариза бор. 5,9 минг бола тарбияланадиган муассасаларни қуриш плани эса бажарилмаган. Мана шуларнинг ҳаммаси мактабгача тарбия муассасаларини қуриш учун кўзда тутилган 4 миллион сўм маблағнинг ўзлаштирилмай қолишига олиб келган.

Айниқса қишлоқлардаги кўпгина болалар боғчаларида тарбия ишн савияси, овқатланишни, медицина хизматини ташкил этиш даражаси бугунги кун талабларига мос келмайди. 1984 йилнинг 1 июлидан бошлаб болаларнинг овқатланиш нормалари оширилади. Савдо министрлиги, Ўзбекбирлашув, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари мактабгача тарбия болалар муассасаларининг юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан зарур миқдорда ва бир хилда узлуксиз таъминлаб туришлари лозим. Бу иш кундалик назорат остида бўлиши керак.

Маориф министрлиги, министрликлар ва идоралар, маҳаллий Советлар, республика ҳукумати XI—XII беш йилликлар мобайнида мактабгача тарбия болалар муассасаларида болаларни жалб этиш имкониятларини қидириб топиш ва уни умуммиттифоқ даражасигача етказишлари зарур.

Аҳолининг эҳтиёжларини тўла-тўкис қондириш учун куни узайтирилган мактаблар ва группалар тармоғини кенгайтириш керак. Мактаб-интернатларнинг, мактаблар ҳузуридаги интернатлар ҳамда болалар уйлари тарбияланувчиларининг ўқиши ва турмуш шароитлари тўғрисида зўр ғамхўрлик қилиниши лозим.

Ислоҳот мактабдан ташқари муассасалар тобора ривожлантирилишини назарда тутади. Холбуки, Қорақалпоғистон АССР ва Хоразм областининг 12 районида пионерлар уйи, 33 район ва шаҳарда ёш табиатшунослар станцияси, 22 районда эса ёш техниклар станцияси йўқ. Шаҳар ва район ижроия комитетлари мактабдан ташқари муассасаларни ташкил этиш имкониятларини қидириб топишлари, шунингдек истиқомат жойларида болалар ва ўсмирлар билан тарбиявий ишларни ўтказиш учун тўрт жой массивларида биноларни ажратиб беришлари керак.

Болаларнинг ёзги дам олишини ташкил этиш — муҳим вазифа. Бизда пионер лагерлари тармоғини бутун чоралар билан кўпайтириш, буларни тегишли тарзда жиҳозлаш учун ғоят кенг имкониятлар мавжуд.

Ислоҳот ишчилар синфининг муносиб ўринбосарларини тайёрлашнинг муҳим манбаи бўлмиш ҳунар-техника таълими системасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришни кўзда тутади.

КПСС XXVI съезди билан Ўзбекистон Компартияси XX съезднинг қарорларига мувофиқ республикада ёшларнинг ҳунар-техника таълимини ҳар томонлама кенгайтириш соҳасидаги ишлар сабот билан амалга оширилмоқда.

Уни ривожлантириш суръатлари етарли даражада салмоқлидир. Ҳозирги вақтда республикамизда 590 та билим юрти бор, уларда 267 минг йигит ва қиз уч юзта касб бўйича таълим олмоқда. Кўпгина районларда икки-учтадан билим юрти ишлаб турибди. Эндиликда ўқувчилар қабул қилиш планлари ҳар йили бажарилмоқда.

Умуман ҳунар-техника билим юртлари ўнинчи беш йилликда ва шу беш йилликнинг уч йили мобайнида халқ хўжалигига 900 мингдан кўпроқ мутахассис юборди.

Республикада ҳунар-техника таълими ишлари шубҳасиз, жуда олға силжиди, аммо шуни таъкидлаш керакки, халқ хўжалигини оммавий касбдаги кадрлар билан таъминлашда унинг салмоғи ҳозирча 35 процентни ташкил этади, холос.

Қора ва рангли металлургия, химия ва нефть саноати, қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхоналари, махсус монтаж қурилиш ишлари учун ҳусусан маҳаллий миллат ёшларидан малакали ишчилар кам тайёрланмоқда. Машина-ускуналар, приборлар, техника ремонти бўйича касбларга ўқувчилар етарлича ўқитилмаяпти.

Бир қанча билим юртларида таълим-тарбия жараёнини ташкил этишда жиддий камчиликлар бор, ўқувчиларнинг назарий ва амалий билим савияси паст, интизом бўшаштириб қўйилган. Моддий база анча яхшиланиши зарур. 1983 йилда 6 мингдан кўпроқ киши узрсиз сабаблар билан билим юртларини ташлаб кетди. Фарғона, Самарқанд областлари ва Тошкент шаҳрининг билим юртларида ўқувчиларнинг қўнимсизлиги айниқса кўп. 280 та билим юртида ўқув-ишлаб чиқариш устахоналари батамом ёки қисман йўқ. Ётоқхоналар ва ошхоналар етарли эмас.

Кўпгина ёш ишчилар ишлаб чиқаришга келгач, корхоналар, қурилишлар, хўжаликларнинг раҳбарлари томонидан етарлича эътибор ва ғамхўрликни кўрмайдилар. Уларнинг разряднларн пасайтирилади, ихтисоси бўйича фойдаланилмайди. Қурилиш министрлиги, Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги, Бинокорлик материаллари саноати министрлиги, Узколхозстрой системасида мустаҳкам ўрнашиб қолаётган ёш мутахассислар 60—65 процентни ташкил этмоқда холос. Бунга тоқат қилиб бўлмайди, ёш ишчиларнинг юз процент ўрнашиб колишига эришиш лозим.

Бу йил барча мавжуд билим юртлари ягона типга — ўрта ҳунар-техника билим юртларига айлантирилиб, қайта ташкил этилиши лозим. Мактабларнинг энг яхши ўқувчилари билим юртларига боришлари учун ёшлар ва ота-оналар ўртасида билим юртларининг обрў-эътибори оширилишига бутун чоралар билан кўмаклашиш керак.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети (Ўртоқ Қаюмов), билим юртларининг раҳбарлари ўқувчиларга таълим ва тарбия беришдаги камчиликларни тугатишлари, ўқув юртларидаги интизомни мустаҳкамлашлари, таълим-тарбия жараёни кенг умумий таълим билимларига, мустаҳкам касб кўникмаларига эга бўлган, технология, агрономия фанлари ва бошқа фанларни чуқур ўзлаштириб олган ишчиларни тарбиялашга кўмаклашадиган бўлишига эришишлари зарур. Компьютерлар, роботлар, микропроцессор воситалари ва эпчил технологиялар қўлланиладиган автоматлаштирилган ишлаб чиқаришлар учун кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор берилиши лозим. Ўқувчилар фойдали маҳсулот ишлаб чиқаришини ва базавий корхоналарнинг буюртмаларига мувофиқ мураккаб иш турларини бажаришини кенг йўлга қўйиш, бунинг учун зарур ресурсларни ажратиб бериш керак.

Госплан, Меҳнат ва социал ишлар давлат комитети, Ҳунар-техника таълими давлат комитети билим юртларини базавий корхоналарнинг эҳтиёжларини ҳисобга олиб, касблар бўйича нхтисослашни янада аниқ белгилаб қўйишлари лозим. Турли идораларга қарашли ҳунар-техника билим юртларини яқин вақт ичида Ҳунар-техника давлат комитети системасига топшириш зарур. Тўла комплектламаган, кичик билим юртларини нормативга етказиш тор шароитларда ишлаётган ўқув кабинетлари, ётоқхоналари, ошхоналари ва бошқа хизмат муассасалари бўлмаган билим юртларига зарур ёрдамни бериш, ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларини қулай ва бежирим форма билан тезроқ таъминлаш керак.

Бу йил 45 та билим юртини узил-кесил очиш, 1985 йилда яна 53 билим юрти ташкил этиш, шу тариқа беш йиллик охиригача республикадаги билим юртларини 682 тага етказиш лозим. Қишлоқдаги ўрта ҳунар-техника билим юртлари тармоғи янада ривожлантирилиши керак.

Ўн иккинчи беш йилликда ҳунар-техника билим юртларида ўқиш учун 985 минг киши ёки ҳозирги беш йилликка нисбатан 120 минг кўп киши қабул қилиш мўлжалланмоқда. Халқ хўжалигига 815 минг ёш ишчи юборилади. Пахтачиликка ва бошқа тармоқларга янги технологияни жорий этишни эътиборга олиб колхозлар, совхозларга юқори малакали механизаторлар, чорвадорлар, паррандабоқарлар, уста сабзавоткорларни етарлича ишга юборишни таъминлаш зарур. Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаси, транспорт ва алоқа, коммунал хўжалик корхоналари учун кадрлар тайёрлашни анча кўпайтириш лозим.

Шуни айтиш керакки, айрим министрликлар, идоралар ҳунар-техника таълимига нисбатан нотўғри, истеъмолчилик нуқтаи назаридан қарамоқдалар — улардан кадрлар талаб қиладилар-у, аммо билим юртларига зарур ёрдамни бермайдилар. Бундай ёндашиш қурилиш министрлиги (Ўртоқ Потуремский), Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги (Ўртоқ Нўъмонов), Уй-жой ва коммунал хўжалиги министрлиги (Ўртоқ Илюхин) ва бошқа баъзи министрликлар учун характерлидир.

Министрликлар, идоралар, базавий корхоналар ўзларига бириктириб қўйилган билим юртлари учун яхши таълим-ишлаб чиқариш базасини вужудга келтиришлари, уларга замонавий асбоб-ускуналар, машиналар, механизмлар, транспорт воситалари, қишлоқ хўжалик ва мелиорация техникаси ҳамда зарур асбобларни ажратиб беришлари керак.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва область ижроия комитетлари қишлоқ хўжалиги учун механизаторлар тайёрловчи билим юртларининг истисносиз ҳаммасига таълим хўжаликлари ташкил қилиш учун ҳайдашга яроқли ер участкаларини ажратиб беришга мажбурдирлар.

Бир қанча корхоналар — «Средазкабель», Чирчиқ трансформатор, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводлари ва бошқа баъзи корхоналар шу пайтгача ҳам ўзларининг базавий билим юртларига эга эмаслар. Барча йирик корхона ва бирлашмалар қонда тариқасида планли тартибда ўзларининг ҳунар-техника билим юртига эга бўлишлари керак.

Госплан, Ҳунар-техника таълими давлат комитети министрликлар ва идоралар билан биргаликда йиллик ва беш йиллик планларнинг лойиҳаларида ўрта ҳунар-техника билим юртларига қабул қилишни аста-секин кўпайтириб, келажакда тахминан икки хисса оширишни кўзда тутишлари лозим. Янги ишга тушириладиган, шунингдек кенгайтириладиган корхоналар учун зарур ишчилар илдамроқ тайёрланишини таъминлаш муҳимдир. Навоий электрохимия заводи, Янги Қўқон химия заводи, Тошкент мотор заводи «Андижанкабель» заводи учун, шунингдек Енгил саноат министрлигининг областлардаги ишлаб турган ва янгидан фойдаланишга топширилаётган бир қанча корхоналари учун керакли кадрларни тайёрлаш ҳақида алоҳида ғамхўрлик қилиниши лозим.

Ислоҳот муносабати билан малакали ишчилар тайёрлаш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга оширишда Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг роли анча ортади. Энди у барча ўқув юртларида ва ишлаб чиқаришда ишчиларга касб таълими беришнинг аҳволини, ишчилик касбини эгаллаётган кишиларга малака бериш тартибига риоя этилишини назорат қилиб бориши керак.

Ишлари тайёрлашда ўрта махсус ва олий ўқув юртлари муҳим роль ўйнайди. Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги, ўз қарамоғида техникумлари ҳамда олий ўқув юртлари бўлган министрликлар ва идоралар малакали мутахассисларни ва ишлаб чиқаришнинг бошланғич бўғинларн ташкилотчиларини тайёрлашда техникумларнинг ролини анча оширишлари зарур.

Мактаб ислоҳотининг муваффақиятли амалга оширилиши ўқитувчига ҳал қилувчи даражада боғлиқ бўлади. Совет ўқитувчиларининг кўп миллионли отряди мамлакатимизнинг ифтихоридир, ёшларни тарбиялашдаги ишончли таянчдир.

Республика мактаблари ва ҳунар-техника билим юртларида 270 минг ўқитувчи ва муаллим ишлаб турибди. Уларнинг 80 процентга яқини олий маълумотлидир. Педагоглар орасида 7 Социалистик Меҳнат Қаҳрамони бор, 11 минг 300 дан ортиқ киши СССР орден ва медаллари билан мукофотланган, мактабларнинг 2920 ходимига «Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган ўқитувчи» унвони берилган. СССР халқ ўқитувчилари Мамажон Абдурасулов билан Одилжон Акбаров ўртоқларнинг номлари республикада кенг шуҳрат қозонган.

Бироқ республикада ҳали ҳаммаё мактаблар ва ҳунар-техника билим юртлари ҳам муаллим кадрлар билан тўла-тўкис таъминланган деб бўлмайди. Бошланғич синфларнинг ўқитувчилари, рус тили, меҳнат, жисмоний тарбия ўқитувчилари асло етишмаяпти. Ҳунар-техника таълими системасида ҳам инженер-педагог ходимлар ва ишлаб чиқариш таълими мастерлари етишмаяпти. Госплан Маориф министрлиги, Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги, Ҳунар-техника таълими давлат комитети шу йил сентябридан уни амалга оширишга киришмоқ учун аввало етишмаётган ихтисослар бўйича муаллимлар тайёрлаш планларига зудлик билан тузатиш киритишлари зарур.

Педагогика олий ўқув юртлари билан педагогика билим юртларининг ишини жиддий равишда яхшилаш керак, уларнинг кўпларида ўқитувчи кадрлар тайёрлаш савияси ислоҳот талабларига мувофиқ эмас. Шу олий ўқув юртларининг муаллимлари составида илмий даражага эга бўлган мутахассислар 50 процентга ҳам етмайди, шунга қарамай, фан докторлари ва кандидатлари тайёрлаш планлари бажарилмай қолмоқда, аспирантларни аттестациядан ўтказиш тартибга солинмаган.

Айрим педагогика олий ўқув юртларининг коллективларидаги ахлоқий-психологик муҳит жиддий ташвиш туғдирмоқда, бу жойларда интизом бузилишига, ичкиликбозликка, порахўрлик ва ҳуқуқни бузиш фактларига йўл қўйилмоқда. Бир қанча муаллимлар мана шундай салбий ҳолларга дахлдордирлар.

Олий ва ўрта махсус таълим министрлигининг иши қатъиян қайта қурилиши керак. Тошкент, Самарқанд ва Нукус давлат университетларида мактаблар учун юқори малакали педагогларни ҳамда республиканинг техника олий ўқув юртларида Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети киритган таклифларни ҳисобга олиб, ҳунар-техника таълими системаси учун инженер-педагогларни тайёрлаш анча кенгайтирилиши лозим.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг олий малакали илмий кадрлар — фан докторлари ва кандидатлари тайёрлаш соҳасида, шунингдек дарсликлар ва ўқув қўлланмалари нашр этиш соҳасида етакчи педагогика институтлари билан алоқаларини кучайтириш зарур. Ислоҳот муносабати билан Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институтлари, ўқитувчилар малакасини ошириш марказий ва область институтлари аниқ мақсадни кўзлаб катта иш қилишлари, мактабларни ва ўқитувчиларни илмий-методик тавсиялар билан таъминлашни яхшилашлари керак.

Афсуски, педагог кадрларнинг қўнимсизлиги, ҳали ҳам катта. 1983 йилда турли сабаблар билан 6 мингдан кўпроқ ўқитувчи мактаблардан кетиб қолди. Бу ҳол Андижон, Наманган, Самарқанд, Тошкент областлари учун, айниқса, характерлидир.

Ҳунар-техника таълими давлат комитетида ҳам кадрларнинг мустаҳкам ўрнашиб олиши асло кўнгилдагидек эмас. Бу ерда кейинги уч йил мобайнида муаллимлар ва ишлаб чиқариш таълими усталаридан 6 минг киши ёки салкам учдан бир қисми системадан кетиб қолди. Тошкент ҳунар-техника билим юртларидаги кадрларнинг 40 проценти алмашинди. Давлат комитети марказий аппаратининг ўзидаги штатли ходимлар составининг ярмиси янгиланди.

Хўш, бундай шароитда қандай қилиб нормал таълимни йўлга қўйиб бўлади? Маориф министрлиги ва Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг раҳбарлари қаёққа қарамоқдалар? Бу камчиликни сабот билан тугатиш лозим. Ўқитувчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш, уларга биринчи навбатда уй-жой бериш, мактаблар ва билим юртлари ёнида улар учун уй-жой бинолари қуриш, якка тартибда уй-жой қуриб олишда кўмаклашиш зарур.

Шу йилнинг 1 сентябридан халқ маорифи ходимларининг иш ҳақи босқичма-босқич тахминан 30—35 процент оширила бошлайди. Маориф ходимлари партия билан ҳукуматнинг жуда катта ғамхўрлигига илҳомбахш ижодий меҳнат билан жавоб беришларига ишончимиз комил.

Ислоҳотни амалга ошириш халқ маорифининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлашни талаб қилади. Республикамиздаги, айниқса Жиззах, Навоий, Самарқанд, Тошкент областларидаги мактабларнинг ярмидан кўпроғи мослаштирилган биноларда жойлашган. Янги ерлар ўзлаштирилаётган зоналарда мактаблар етишмаётганлиги айниқса ўткир сезилмоқда. Кўпгина мактабларда, айниқса Андижон, Қашқадарё областларидаги мактабларда ошхоналар йўқ.

Машғулотларнинг сменалиги қисқармаяпти. Утган ўқув йилида мактабларнинг 75 процентдан кўпроғида машғулотлар икки сменада ўтган эди. Айни вақтда мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари қурилишига ажратилган капитал маблағ қониқарли ўзлаштирилмаяпти. Самарқанд (Ўртоқ Ҳамроқулов) ва Сирдарё (Ўртоқ Қўчқоров) область ижроия комитетлари мактаб қурилиши планларини мунтазам равишда бажармай келмоқдалар. Мактаб ва ҳунар-техника билим юртларини қуриш планларини бу йил ҳам барбод қилаётган баъзи министрликлар, идоралар, область ижроия комитетларининг позициясига мутлақо тушуниб бўлмайди. Бу гап 5 ой мобайнида йиллик планни атиги 15 процент бажарган Қишлоқ хўжалиги министрлигига (Ўртоқ Ўркинбоев), 12 процент бажарган Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига (Ўртоқ Жўрабеков), 16 процент бажарган Мева-сабзавот хўжалиги министрлигига (Ўртоқ Абдуллаев), 10 процент бажарган Энергетика ва электрлаштириш министрлигига (Ўртоқ Ҳамидов) тааллуқлидир. Сурхондарё (Ўртоқ Эргашев), Навоий (Ўртоқ Асатов), Жиззах (Ўртоқ Исломов) ва бошқа область ижроия комитетлари мактаблар қурилишини ёмон олиб бормоқдалар.

Ҳунар-техника билим юртлари қурилишида ҳам иш бундан яхши эмас. Йиллик план 5 ой мобайнида бор-йўғи 26 процент бажарилди. Қишлоқ қурилиши министрлиги (Ўртоқ Қурбонов), Главсредазирсовхозстрой (Ўртоқ Ҳамроев), «Узколхозстрой» (Ўртоқ Ашуров) билим юртларини дуруст қурмаяптилар.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари, Тошкент шаҳар ижроия комитети, Маориф министрлиги, Ҳунар-техника таълими давлат комитети, буюртмачи ва пудратчи министрликлар, мактаб ва ҳунар-техника билим юртлари қурилишидаги қолоқликни тугатиш юзасидан шошилинч чоралар кўришлари лозим.

Госплан Маориф министрлиги ва бошқа манфаатдор министрликлар ҳамда идоралар билан биргаликда мактаб қурилишини янада аниқроқ планлаштириши, уни болалар сонини эътиборга олиб оқилона жойлаштириши керак. Дастлабки режаларга кўра, XII беш йилликда республикада 1 миллион 100 минг ўринли ёки ҳозирги беш йилликка нисбатан икки баравар кўп мактаб қуриш мўлжалланмоқда. 27 та комплекс ҳунар-техника билим юрти қурилади, ишлаб турган 110 та билим юрти қўшимча ўқув корпуслари ва бошқа объектлар қуриш йўли билан анча кенгайтирилади.

Шу муносабат билан министрликлар ва идоралар, ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналари, колхоз ва совхозларнинг кучлари ҳамда манбаларини мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари, болалар боғчалари ва мактабдан ташқари муассасалар қурилишига жалб этиш масалалари пухта ишлаб чиқилиши лозим. Мана шуларнинг ҳаммаси давлат плани ва бюджети лойиҳаларида кўзда тутилиши керак. Қурилиш ташкилотларининг қувватларини ошириш ҳақида барвақт ғамхўрлик қилиш зарур.

Госстрой, унинг лойиҳа ташкилотлари мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари, мактабларо таълим-ишлаб чиқариш кабинетларининг янги лойиҳаларини мактаб ислоҳоти талабларини ҳисобга олиб тез-роқ ишлаб чиқишлари лозим.

Мактабларнинг хўжалик таъминоти ҳақида икки оғиз сўз: Мебель саноати министрлиги, Енгил саноат министрлиги, Маҳаллий саноат министрлиги ҳамда мактаблар учун асбоб-ускуна, мебель, кўргазмали ўқув қуроллари, мактаб ашёлари ва формаси ишлаб чиқарадиган корхоналарга эга бўлган бошқа идоралар Маориф министрлиги ва Ҳунар-техника таълими давлат комитети билан биргаликда шу маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ошириш, турларини кўпайтириш ва сифатини тубдан яхшилашни кўзда тутишлари лозим. Жиззахда болаларга ва мактабга аталган мебель ишлаб чиқарувчи фабрика қурилиши тезлаштирилиши керак.

Қишлоқ ва посёлка Советлари раислари нинг яқинда бўлиб ўтган республика кенгашида мактаблар ва билим юртларини ремонт қилишни ташкил этиш хусусида ҳақли эътирозлар билдирилди. Бу гап шаҳар ўқув юртларига ҳам баб-баравар тааллуқлидир. Баъзан маблағ бўла туриб, ремонт учун бўёқ, ёғоч ва бошқа материалларни топиб бўлмайди, материаллар топилганда эса ишчилар бўлмай қолади.

Госплан, Госснаб мактабларни ва ҳунар-техника билим юртларини материал-техника билан узлуксиз таъминлашга доимо эътибор беришлари, ремонт ишларига кўпроқ ресурс ажратишлари лозим.

Барча болалар муассасаларида, умумий таълим мактабларида, билим юртлари ва ўқув юртларида кўп миқдорда махсус мебель, анжом, асбоб-ускуна, машина ва бошқа ўқув буюмлари бор. Уларни ремонт қилишни ташкил этиш масаласи пухта ўйлаб қўйилмаган ва ҳал этилмаган. Ислоҳотда кўзда тутилганидек, ҳар бир районда мактабларга ва бошқа маориф муассасаларига бир марказдан хўжалик хизмат кўрсатиш муассасасини ташкил этиш зарур.

Болаларни мактабга транспортда олиб бориш ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Қишлоқ жойлардаги 115 мингдан ортиқ ўқувчи мактаблардан 3 километрдан ортиқ масофада яшайди. Уларни ташиш учун махсус автобуслар ажратиш керак. Болаларни 6 ёшдан ўқитишга ўтилиши муносабати билан бу масала янада катта аҳамият касб этмоқда. Тоғлардаги қишлоқларда, майда хуторларда ва дашт зонада, янги ерлар ўзлаштирилаётган районларда яшовчи болалар ҳақида алоҳида ғамхўрлик қилиниши керак. Бу ишни пухта ўйлаб, йўлга қўйиш — қишлоқ район ижроия комитетлари билан қишлоқ Советларининг тегишли министрликлар ёрдамидаги бевосита бурчидир.

Мактаб ўқувчиларининг ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг овқатланишини ташкил этиш ҳақида бугун яна бир бор гапирмасдан ўтиб бўлмайди. Бу хусусда Савдо министрлигига (Ўртоқ Ҳасановга) ва Ўзбекбирлашув (Ўртоқ Сирожевга) бир неча бор кўрсатма берилди. Аммо ўртоқлар шу пайтгача бу муҳим ишни маҳаллий совет органлари билан биргаликда тузукроқ йўлга қўйиша олмаяпти. Бир қанча мактабларда на ошхона, на буфет бор. Баъзи ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчилари учун ошхона йўқ.

Андижон, Навоий, Сурхондарё областларининг кўпгина мактабларида бир ўқувчи ҳисобига овқат белгиланган нормадагидан қарийб 2 баравар камайтирилган. Мактаб-интернатлар ва умумий таълим мактаблари бўйича ўтган йили ўқувчиларнинг овқатига ажратилган маблағнинг 620 минг сўми фойдаланилмай қолган.

Шундай бўлишига қарамай мазкур ўқув юртлари жойлашган район ва шаҳар Советларининг ижроия комитетлари унча жон куйдириб ташвишланмай, балки бундай аҳволга тоқат қилишни афзал билмоқдалар. Истисносиз ҳамма мактаб ва билим юртларида, 1 сентябрдан бошлаб албатта, иссиқ овқат ташкил этилиши, шу мақсадга ажратилаётган маблағлардан тўла-тўкис фойдаланилиши, мактаб ошхоналарига маҳсулот махсус белгиланган норма бўйича узлуксиз бериб турилиши керак.

Биз мактаб ислоҳотини бевосита амалга ошириш даврига кирдик. Зўр умумдавлат аҳамиятига эга бўлган бу ишдан ҳеч ким четда туриши мумкин эмас. Ҳамма министрликлар ва идоралар, совет ва хўжалик органлари, жамоат ташкилотлари конкрет тадбирларни ишлаб чиқишлари, ўз вазифаларини аниқ белгилаб олишлари, ислоҳотда қўйилган масалаларни ҳал этишда кенг ташаббускорлик ва чинакам ишчанлик кўрсатишлари лозим.

«Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилиш»нинг асосий йўналишлари»ни, КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг шу масала хусусидаги қарорларини барча совет, хўжалик органлари яхши уқиб олишлари ва ўзларининг кундалик ишида партия билан ҳукуматнинг шу жуда муҳим ҳужжатларида белгиланган йўл-йўриқларни муттасил рўёбга чиқаришлари муҳимдир.

Госпланда, бир қанча министрликларда, идораларда КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг ислоҳот масалаларига оид қарорларини рўёбга чиқариш юзасидан конкрет таклифларни амалга ошириш учун махсус группалар тузилган. Улар вужудга келаётган ҳамма проблемаларни оператив равишда ҳал этишлари лозим.

Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилиш билан боғлиқ бўлган кўпгина масалалар партия ташкилоти раҳбарлигида ҳукумат томонидан кўриб чиқилади ва ҳал этилади. Ислоҳотга оид ҳамма тадбирлар, бу тадбирларнинг моддий-техникавий ва молиявий жиҳатдан таъминланиши план ва бюджетда назарда тутилади. Ҳамма нарса батафсил қайд этилиши ва сўзсиз бажарилиши лозим.

Мактаб ислоҳотининг катта ва мураккаб вазифаларни ҳал этиш аввало Маориф министрлиги, Ҳунар-техника таълими давлат комитети, уларнинг жойлардаги органлари иш услуби ва методларини тубдан такомиллаштиришни талаб қилади.

Бу гап С. Ш. Шермуҳамедов бошчилигидаги Ўзбекистон ССР Маориф министрлигига айниқса тааллуқлидир. Министрлик ва бошқа маориф органлари аҳволни сиртдан бежаб кўрсатиш пайига тушиб, таълим-тарбия жараёнини чуқур анализ қилмаяптилар, жамики илғор ва янги тажрибаларни аниқлаб, қўллаб-қувватлай олмаяптилар, ўқув юртларига аниқ-равшан ёрдам бериш ўрнига турли масалалар юзасидан кўпдан-кўп кенгаш ва маслислар ўтказяптилар, самараси оз бўлган текширишлар билан шуғулланяптилар. Бунинг учун министрнинг ўринбосалари, министрлик коллегиясининг аъзолари ва аппарат ходимлари зиммасига ҳам катта масъулият тушади.

Ҳунар-техника таълими давлат комитети билан унинг бўлинмалари фаолиятини жиддий равишда тузатиш ҳамда яхшилаш зарур, улар ҳунар-техника таълимининг етилган вазифаларини принципиал ва сабот билан ҳал этишлари шарт.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг кўрсатмаларига амал қилиб, хўжасизлик кўринишларига, план, молия интизоми бузилишларига қарши, социалистик мулкнинг сақланиши учун курашни қатъиян кучайтириш керак. Маориф министрлиги, Ҳунар-техника таълими давлат комитети ва уларнинг маҳаллий органлари буни ҳали етарли даражада таъминлаётганлари йўқ.

1983 йилда Маориф министрлигининг 236 та муассасасида 1 миллион сўмга яқин маблағ қонунга хилоф равишда сарфланишига йўл қўйилганлигини нима билан изоҳлаш мумкин. Самарқанд, Сурхондарё областларида шундай ҳаражатлар икки баравар кўпайди. 240 минг сўмликдан кўпроқ растрата ва ўғирликлар қилинганлиги фактлари очиб ташланди. Самарқанд области халқ маорифи бўлимларида камомат ва ўғирликлар салкам 29 минг сўмни ташкил этди.

Ҳунар-техника таълими системасида контрол қилинмаслик натижасида ўтган йили 170 минг сўмга яқин растрата ва ўғирликка йўл қўйилган. Яккабоғдаги 219-техника билим юртида ўғирлик 50 минг сўмдан ошиб кетди.

Халқ маорифи ва ҳунар-техника таълими муассасаларида, айниқса, ўқувчилар сони хусусида қўшиб ёзишларга ва ҳисоботларнинг бузилишига йўл қўйилмоқда. Текширилган 76 мактабнинг куни узайтирилган группаларида 3 мингдан кўпроқ ўқувчи йўқ экан.

Тошкент, Зомин районларидаги, Гулистон шаҳридаги ҳунар-техника билим юртларида йўқ ўқувчиларга стипендия берилган, овқат, кийим-кечак учун маблағ сарфланган.

Республика ҳукумати шу масалалар юзасидан узилкесил чоралар кўришни Маориф министрлиги, Ҳунар-техника таълими давлат комитети раҳбарларидан бир неча марта талаб қилди. Аммо аҳвол ўзгармаяпти. Ниҳоят мана шу ишларнинг ҳаммасида қатъий давлат тартиби ўрнатиш, қонун-қоидаларни бузишларга қатъиян барҳам бериш пайти келди.

Халқ маорифи ва ҳунар-техника таълими маҳаллий органларни, мактаблар ва билим юртларини раҳбар кадрлар билан мустаҳкамлашга ғоят жиддий эътибор бериши керак. Бу ишда катта нуқсонлар, хатоликлар бор. Кўпинча зарур ишчанлик фазилатларига эга бўлмаган шахслар раҳбарлик лавозимларига кўтариб қўйилди. Кейинги йилларда кўпгина мактаб директорлари, халқ маорифи бўлимининг мудирлари ишда йўл қўйган камчиликлари ҳамда хизмат мавқеини суиистеъмол қилганликлари учун вазифаларидан бўшатилди. Ўз обрўсига доғ туширган Д. Шарипова Ўзбекистон ССР маориф министрининг ўринбосари вазифасидан бўшатилди.

Ҳунар-техника таълими давлат комитети системасида ҳам кадрлар билан ишлашда катта камчилик ва нуқсонлар бор. Бу системада кейинги уч йил ичида ҳунар-техника билим юртлари директорларининг кўпчилиги, шулардан 55 нафари йўл қўйилган жиддий хатолар учун ишдан бўшатилди.

Ишни ўқитувчиликдан бошлаган ва мактаб ҳаётини яхши биладиган ходимлар халқ маорифи органларига бошчилик қилишлари керак.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари асосида барча лавозимлардаги раҳбарларда, шу жумладан халқ маорифи ходимларида ҳам ишга чинакам партиявий, ижодий ёндашиш, ўзига ва бошқаларга юксак талабчанлик руҳи билан суғорилган, хоти